

№ 22463
092

М. Нуритдинов

Тобураһналар
сурһасна

М. НУРИТДИНОВ

БОБУРИЙЛАР
СУЛОЛАСИ

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЕТИ
1994

Рисола тарихимизнинг энг ёрқин, шу билан бирга кам ўрганилган саҳифаларидан ҳисобланган Темурийлар сулоласи тарихининг бир қисмини ёритишга бағишланган. Маълумки, мазкур сулола дунёдаги умуммуслмон сулолалари ичида энг узоқ умр кўрган, катта тарихий даврни қамраб олган сулола ҳисобланади. Агар Амир Темур ҳукмронлиги 1370 йилдан бошланган бўлса, ундан кейинги Темурийлар авлоди «ота-бола» занжирини ҳосил қилиб, бу занжирнинг энг охириги ҳалқаси бўлмиш Сирожиддин Баҳодиршоҳ II Ҳиндистондаги Бобурийлар давлатида 1857 йилда инглизлар томонидан тахтдан четлатилган. Бир сўз билан айтганда, бу сулола салкам 500 йил ҳукмронлик қилган.

Кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган ушбу рисола зикр этилган сулоланинг бир қисми бўлмиш Бобурийлар авлодига бағишланиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан Сирожиддин Баҳодиршоҳ II гача бўлган баъзи тарихий воқеаларни қамраб олган.

22463
0019
10
-4
2983

Маҳмуджан Нуриддинов

ДИНАСТИЯ БАБУРИДОВ

На узбекском языке

Ташкент, «ФАН»

Муҳаррир *Н. Қосимова*
Мусаввир *Е. Владимиров*
Техмуҳаррир *Л. Тюрина*
Мусаҳҳиҳ *М. Яҳяева*

ИБ № 6201

Тертишга берилди 26.07.93. Босишга руҳсат этилди 9.01.94. Қоғоз бичими 84×108¹/₃₂. Босмаҳона қоғози. Адабий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма т. 2,52. Ҳисоб нашриёт т. 2,9. 50 000 нуска. Буюртма 334. Келишилган нарҳда.

« УЗР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузуридаги Тошкент китоб-журнал фабрикасида босилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй.

Н $\frac{5002000000-899}{М 355 (04) -94}$ Рез. 94

© **Ўзбекистон Республикаси**
ФА «Фан» нашриёти. 1994 й.

ISBN 5—648—01891—6

ҚИРИШ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур¹ (1483—1530 йиллар, атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга истеъдодли шоир, тарихчи ва заковатли олимдир.

У инқирозга юз тутган теурийлар давлатини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш, Ўрта Осиёда марказлашган йирик давлат вужудга келтириш учун узоқ ва қаттиқ кураш олиб борди. Бироқ тарихий шароит бунга имкон бермагач, у Афғонистонни, кейинчалик эса Ҳиндистонни эгаллаб олди ва катта империяни вужудга келтирди. У асос солган империя Афғонистон ва Ҳиндистоннинг сиёсий-иқтисодий ва маданий тараққиётида ўчмас из қолдирди.

Бобур асос солган давлат Ҳиндистоннинг Англия томонидан босиб олинишига қадар яшади. Бобурийлар сулоласи Ҳиндистоннинг сиёсий ҳокимиятини мустақкамлаш, маданиятини ривожлантиришда катта ижобий роль ўйнади.

Бобур инсоният маданий ҳаёти тарихида ҳам чуқур из қолдирди. Унинг фаолияти ҳамда меросини ўрганишда турли соҳа олимлари — тарихчилар, филологлар ва бошқалар катта натижаларга эришдилар. Унинг асарлари нашр этилди, тадқиқотлар, илмий ва оммабоп асарлар яратилди. Унинг ижодини ўрганувчи ўнлаб олимлар етишиб чиқди.

Бобурнинг бой адабий ва тарихий меросини ўрганиш ҳануз давом этмоқда.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизга, китобхонлар доирасига жуда таниш ва азиздир. Чунки у ҳақда, унинг ҳаёт йўли, ҳарбий юришлари, маданий мероси ҳақида ўнлаб асарлар ёзилиб китобхонга тақдим этилди. Шу билан, биз ушбу китобда, Бобур ҳақида тўхталмай, Бобурийлар ҳақидаги тарихий лавҳаларга эътибор беришни лозим топдик (Н. М.).

ҲУМОЮНШОҲ

Ҳумоюн Кобулда 913 ҳ — 1506 йилда туғилиб, ҳарбий ва сиёсий тарбия топди, анвойи илмларни ўрганди. Отаси Ҳиндистонга юриш бошлаганда унинг ўнг қўли бўлди. Бобур аввал уни Лоҳур ҳокими ёрдам сураганда Панжобга жўнатди. Лекин Лоҳур ҳокими берган ваъдасининг устидан чиқмагани сабабли, Бобур ўғлининг низдан бориб, Ҳиндга киради. Деҳлида ўрнашиб олишгандан кейин, Ҳумоюн Аграга йўл олиб, уни эгаллайди. Шундай қилиб, отасининг замонасида музаффар саркарда бўлиб етишади. Кейинчалик отаси касал бўлиб унинг дарди зўрайганда подшоҳликни ўғлига топшириб, укалари билан яхши муомалада бўлишни ва шу билан бирга гофил бўлмасликни васият қилди.

Бобурнинг тўрт ўғли бўлган. Ҳумоюн уларнинг энг каттаси ва унинг қалбига энг яқини эди. Шу сабабли уни Ҳиндистонга подшоҳ қилиб тайинлайди. Комрон эса Кобул ва Қандаҳорга волий этиб тайинланади. Кейинчалик эса Ҳумоюн унга Панжобни, қолган икки укаси бўлмиш Ҳандал Мирзо ва Асқари Мирзоларга эса Ҳиндистоннинг баъзи вилоятларини беради.

Ҳумоюншоҳ укаларига нисбатан жуда меҳрибон, хушмуомала бўлган, аммо уларнинг бунга жавоблари бошқача бўлади, яъни акаларига нисбатан адоват изҳор этишган. Бунинг натижасида ораларида низо кучайиб, душманлари зўрайиб, Ҳумоюннинг ҳаёти қийинчилик ва машаққатга айлана борган. Ерлик халқнинг яралари ҳали битмаган эди. Бобурнинг вафотидан сўнг улар Ҳумоюнга қарши чиқиб, мулкларини қайтиб олишга урина бошлашди. Буларнинг ҳаммаси Ҳумоюнни Ҳиндистондан қочишга мажбур этди.

Ҳумоюн отасининг васиятига кўра Колангар қалъасини қамал қилишни бошлади. Шу аснода Маҳмуд Далудининг Чаванпурда афғонлар ёрдамида унинг мулкига қарши чиқаётганини сезиб, у ерга боради ва уни

ҳайдаб юбориб Чаванпурни ўзига бўйсундирадн. Сўнгра Биҳорда ҳокимлик қилаётган Шерхонга қарши юриш қилади, чунки унинг ҳукми Бенгалгача ёйилган эди. Шерхон унга бўйсунгандек бўлади. Бу воқеадан кейин Ҳумоюн Гажаротга йўл олади. У ернинг подшоҳи Баҳодиршоҳ Ҳумоюндан қочганларни ҳимоя қиларди, ундан ташқари унинг мулкига ҳужум қилишларига ҳам ёрдам берарди.

Ҳумоюн Гажарот ва Малвани ҳам ўзига бўйсундирадн. Бу ғалабаларга у Баҳодиршоҳ лашкарбошларидан бири бўлмиш Хон ар-Руми исми билан машҳур бўлган Мустафо бин Баҳром ар-Румининг ҳиёнатн туфайли эришади. Шундан кейин Баҳодиршоҳ 942 ҳ. — 1536 йилда Даюга қочиб кетади. Шерхон эса Ҳумоюннинг Гажаротда машғул эканлигидан фойдаланиб, унга қарши чиқади, мамлакатининг кўп жойларини босиб олади Шунда Ҳумоюн тезлик билан у тарафга шошилади. Қўшинлар учрашади, лекин Ҳумоюн мағлубиятга учрайди. Лашкарининг кўп қисми ўлдирилади, кўпи Ганга дарёсига ғарқ бўлади. Ҳумоюннинг ўзи ҳам ғарқ бўлаётган пайтда унинг сув ташувчиларидан бири сув мешнинг ичига ҳаво тўлдириб Ҳумоюнга берарди ва подшоҳ дарёнинг нариги қирғоғига сузиб ўтиб тирик қолишга муваффақ бўлади. Бу воқеа 1539—946 ҳижрийда содир бўлади. Уша сув ташувчи кишининг исми Низом эди. Ҳумоюн унга қарздорлигини тан олади ва агарда Аграга эсонлик билан етиб олсак ярим кун подшоҳлик тахтини сенга бераман деб ваъда қилади. Сув ташувчи бу фурсатдан яхшилаб фойдаланади. Ўзининг ва уруғ-авлодининг ҳамма орзуларини амалга оширади, мол-дунёни қўлга киритади. Ҳумоюн унга қаршилиқ қилмайди.

Ҳумоюн Аграга қайтгач бошига кўп кулфатлар ёнла бошлайди. У Шерхондан мағлубиятга учрагач, Шерхон унинг мулкига қўл кўтарган энг катта ва хатарли рақиб эканлигини тушунади. Бу етмагандек унинг ўз қондош укалари унга қарши фитна уюштира бошлашади. Улар учун Бобур аршига солинаётган хавф-хатарлар бирдек эди. Ҳумоюн ўрнини эгалласак ишларни юриштириб юбориш қўлимиздан келади деб ўйлашарди. Лекин аслида бўлиб ўтган уруш Шерхон афғонларнинг таъсири қанчалигини ва Ҳумоюн мисолида буларнинг ким эканлигини имтиҳон қилиб берганди.

Шу қийинчиликлар орасида турган Ҳумоюн, кучли рақибнинг устидан ғалаба қозониш умидини йўқотмади. Бир йилча лашкар тўплаб, иккинчи бор Шерхон

билан Қануж шаҳри ёнида тўқнашди. Лекин 947 ҳ. — 1540 йил муҳаррам ойида яна янгидан мағлубиятга учраб, ўзи ҳам, лашкари ҳам қочишга мажбур бўлди. Шерхон уни аввал Аграга, сўнгра Лоҳургача қувиб борди. Қочувчи подшоҳга ҳеч ким ёрдам кўрсатмади. Ҳаттоки, укалари унга эмас, унинг душманига ёрдам беришди. Ҳумоюн Санд шаҳрига кириб келганда тағида қари туя, ёнида эса ҳомиладор хотинидан бошқа ҳеч нимаси йўқ эди. Шу аҳволда Умар деган қишлоққа етиб келди. Санднинг бу қишлоғида унинг ўғли — келгуси подшоҳ Жалолиддин Акбар дунёга келади.

Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрига етиб келгач, укаси унинг кетига тушганини эшитади. Хотини ва ўғлини шу ерда қолдириб, ўзи Эрон императори Таҳмасп шоҳ ас-Сафавий томонига бошини олиб кетади. Эрон шоҳи унга икром ва эҳсон кўрсатади.

Шерхон Ҳиндда якка ўзи қолади. Деҳлига, сўнгра Аграга киради ва Шершоҳ ас-сури номи билан машҳур Ҳинд султонига айланади. Бу воқеа 947 ҳ. — 1540 йилда содир бўлади.

Шершоҳ ас-Сури 947 ҳ. — 1540 йилдан 952 ҳ. — 1545 йилгача хукмронлик қилган. Шершоҳ ўгай она зулмидан то Ҳинд императори даражасигача бўлган йўлни босиб ўтади. Ешлигида унинг исми Фаридхон бўлган. Ҳаёти қийинчиликлар қорншмасидан иборат бўлиб, кунлардан бир кун унда қатъийлик ва кучлилик, мақсадга интилиш пайдо бўладикн, натижада замонасининг нодир одамларидан бирига айланади.

Буваси Иброҳим Ҳиндга Султон Баҳлул ал-Лоди замонида оддий одам сифатида, ризқининг кетидан келиб қолади. У афғон қабиласи бўлмиш «Сур»дан бўлгани учун уни «Сури» деб аташган. Шундай қилиб, Иброҳим ўғли Ҳасан, набираси Фарид билан оддий ҳаёт кечиришарди. Фарид отасининг энг катта ўғли эди. Отасининг уйдаги ҳаёти юришмайди. Чунки она ўгай бўлиб, отасининг қалбини бутунлай эгаллаб олган эди. Фарид уйни ташлаб, Чаванпурга кетди. Кўпгина болалар сингари илм олишга отланди. Саъди Шерозийнинг ахлоқ ва тасаввуфга бағишланган «Гулистон ва Бўстон» асарини, Искандарномани, Ибн Ҳожибнинг «Қофия»сини ва унга ёзилган шарҳларни, умуман ўз асрида маълум бўлган кўпгина бошқа илмларни ўрганди. Отаси уни уйга қайтаришга уринди, лекин бола бунн хоҳламади.

Бир неча йилдан сўнг отаси Чаванпурга боради. У ерда ўғлининг ақл-заковати ҳақида кўп гаплар эшита-

ди. Шу сабаб бўлиб, ўғлини олиб кетишга ва унга баъзи ишларни топширишга қарор қилади. Ана шунда Фаридхоннинг иқтидори намоён бўлади.

Бу ишлар ўғай онасига ёқмайди, албатта. Ҳар хил фитналар уюштиради, натижада ота-бола юз кўрмас бўлиб кетишади.

Иброҳим Лоди замонасида Аграга сафар қилди. Фаридхон унга яқинлашди. Фарид бутун иқтидорини намойиш қилди. Унинг бу ҳаракатлари зое кетмади. У юқори тақдирланди. Отаси вафотидан сўнг, унинг ўрнига тайинланди. Лекин тезда ишлар ўзгариб кетди. Ҳиндга Бобур келди, Иброҳим Лоди мағлубиятга учраб, Бобурийлар ҳукми бошланди. Баҳор шаҳрига кетиб, унинг волийси бўлмиш Муҳаммадхонга ихлос билан хизмат қилди. Кунлардан бир кун ов пайтида унга йўлбарс ташланди. Фаридхон унинг йўлини тўсиб, қилич билан бир уриб, ҳайвонни ўлдиради. Бундан ажабланган Муҳаммадхон унга Шерхон деб ном беради, ўғли Жалолхонга мураббий қилиб тайинлайди. Лекин бир оздан сўнг оралари бузилади. Ундан кетиб Жунайид Борлос хизматига ўтади. Бу киши султон Бобур томонидан Агра ва Чаванпурга ҳоким қилиб тайинланган эди. Уни Бобур хизматига келишни таклиф этади. Лекин Шерхон Муҳаммадхон хизматига қайтади. У вафот этгач, ўрнига ўғли Жалолхон ўтиради. Лекин ҳақиқий ҳоким Шерхон эди. Кунлардан бирида ҳамма нарсани ташлаб Жалолхон Бенгалга қочиб кетади. Шундан кейин унинг иши янада юришиб кетади. Давлатни кенгайтира бошлайди Баҳордаги Чинор қалъасини урушсиз қўшиб олади. Кейин эса ҳокимнинг бевасига уйланиб олади. Бу қалъа Баҳор шаҳридаги энг аҳамиятли қалъа бўлган.

1530 йилда Бобур вафот этгач, унинг ўрнига Ҳумоюн ўтиради. У жанглар билан овора бўлиб юрган пайтда, Шерхон унинг мулки ҳисобига ўз ерларини кенгайтириб, мустаҳкамлай борди. Тезда Бенгални ўз мулкига қўшиб олди. Ниҳоясида, ишлар биз зикр этгандек Шерхоннинг ғалабаси билан тугади.

Аслида Деҳлидаги ҳокимиятни Бобурийлар афгонлардан тортиб олишган эди. Лекин унинг баъзи амирликлари ва вилоятлари ҳамон афгонлар қўлида эди. Айниқса, Шарқда, Чаванпур, Баҳор ва бошқа ерларда афгонлар ўзларининг тортиб олинган ерларини қайтариб олиш учун бор кучларини ишлатаётган эдилар. Шерхон, юлдузи порлагандан кейин, ўз ниятларини ҳеч беркитмади. Ҳаттоки, Бобур хизматида юрган пай-

тида ҳам дўстларидан ўзининг келажак ниятларини яширмади.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Шерхон Ҳумоюн устидан ғалаба қозонгач, Ҳумоюннинг кўпгина аскарлари Ганга дарёсида ғарқ бўлишади. Ҳатто унинг ўзи ҳам ҳалокатдан зўра қутулади. Шунда Ҳумоюн ўзи жонини сақлар экан, орқада хотинини ҳам ташлаб қочади. Унинг аёли ноиложликдан ўзи Шерхондан мадад сўрайди. Шунда Шерхоннинг бутун эркаклик ва улуғлик сифатлари ўзини намоён этади. Отидан тушиб, Ҳумоюннинг хотини ва у билан ҳозир бўлганларни юксак эҳтиром билан кутиб олади. Бобур хизматида бўлган пайтда унинг қилган яхшиликлари эсидан чиқмаганлигини айтиб, аёлни тинчлантиради. Ўз ўғлининг ҳимоясида уларни Аграга элтишни буюради. Яна буюрадики, йўл давомида уларга эҳтиётлик билан муомала қилишни ва нимага талабгор бўлмаса, ҳаммасини бажаришни буюради.

Ҳумоюн устидан ғалаба қилгач, Ҳинд подшоҳи даражасига кўтарилиб, мавқеини мустаҳкамлайди. Шерхон тахтга Аграда 947 ҳ. — 1540 йилда ўтиради. У 952 ҳ. — 1545 йилнинг рабнул-аввалида вафот этади.

ШЕРШОҲ ХАЛИФАЛАРИ

Салимшоҳ: Шершоҳдан кейин икки ўғил қолди: Одилхон — тахт вориси ва унинг укаси Жалолхон. Жалолхон Исломхон исми билан маълум эди. Шершоҳ вафот этганда уларнинг биттаси ҳам унинг ёнида бўлмаган. Жалолхон пойтахтга яқинроқ эди. Шунинг учун амирлар уни тахтга ўтказишга қарор қилишади. У тахтга ўтиргач, акаси Одилга хат ёзиб, унинг келишини сўрайди. У келгач, Жалолхон тахтни бўшатиб акасига; сен келгунга қадар тахтни ушлаб турган эдим, энди марҳамат қилиб, ўзинг ўтир, дейди. У укасининг талабинни рад этиб, баъзи ер хўжалиги ишлари билан шўғулланади. Тахт масаласи тинч ҳал бўлади. Жалолхон эса Салимшоҳ исми билан давлатни идора қилишни бошлайди. Лекин бу тинчлик узоқ давом этмайди. Тахт касалига дучор бўлган Салимшоҳ акасига қарши уруш бошлайди. Бу тўполонларда Одил Шарққа қочиб, ғойиб бўлади. Бундан кейин Салимшоҳ давлат ишларини йўлга солишга киришади. У 961 ҳ. — 1554 йилда вафот этади.

Салимшоҳ вафотидан кейин тахтга унинг кичик, вояга етмаган ўғли Феруз ўтиради. Унинг тоғаси Му-

боризхон тахт илинжида, уч кундан кейин ўз жияни-ни ўлдиради, ўзи эса Муҳаммад Одилшоҳ исми билан тахтга ўтиради. Унинг Ҳайму исмлиқ ҳиндус вазири бўлган. Тарихчиларнинг гапига қараганда шоҳнинг ўзи сингари ниҳоятда паст одам бўлган. Одилшоҳ ана шу вазирига ҳамма ишларни топшириб қўяди. Натижада, одамларнинг унга бўлган нафрати янада кучаяди. Бенгалда исён кўтарилиб, Ҳайму уни бостиришга кетганида, Одилшоҳ уруғлари бундан фойдаланиб, жумладан Иброҳим Сури исмлиқ, Агра ва Деҳлини босиб олади. Одилшоҳ Шарққа қараб қочади. У ерда Бенгалга кетган вазири Ҳайму билан қўшилади. Бу воқеалар Лоҳур ҳокими бўлмиш Искандар Сурининг тахтга бўлган интилишини кучайтириб юборади. У лашкарини йиғиб, Деҳли ва Аграга қараб юради. Иброҳим Сурининг қўшинини мағлубиятга учратиб, тахтга ўтиради.

Ҳумоюн эса, бу пайт Кобулда туриб жангга тайёр бўлиб турарди. 15 минглик қўшин бошида Ҳиндга юради. Отасининг Иброҳим Лоди билан бўлган жангини тарих яна бир бор қайтаради. Бу гал ғалаба Ҳумоюнга кулиб боқади. У Деҳли ва Аграга кириб боради. Шунинг билан қўлдан чиқарилган мулк 962 ҳ. — 1555 йилда яна эгасига қайтади.

ҲУМОЮННИНГ ҚАЙТИШИ

Ҳумоюн Шершоҳ томонидан мағлубиятга учрагандан сўнг, Эроншоҳ Таҳмасп унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатди. Ҳумоюн шу ерда яшар экан Ҳиндистон ва Афғонистонда бўлаётган воқеаларни кузатиб борди. Маълумки, шу пайтда у ерда унинг укалари ҳам ҳукмронлик қилишаётган эди. Шершоҳнинг иттифоқчилари ўзаро низолар гирдобига ғарқ бўлиб, душман пайт пойлаётганини ёддан чиқариб қўйишди.

Ҳумоюн фурсатдан фойдаланиб, биринчи галда укаларининг мулкларини қўлга киритишга қарор қилди.

Шу боис Таҳмаспшоҳдан ёрдам сўрайди. У Ҳумоюнга кичик бир лашкар беради. Ҳумоюн шу лашкар билан Қандаҳорга юрди. Қандаҳор бу пайт унинг укаси Комрон Мирзо қўлида эди. Кейинги етти йил ичида у Кобулни ҳам эгаллашга муяссар бўлди. Укалари Комрон Мирзо ва Аскар Мирзолардан одамлар қанчалик норози бўлмасинлар қасос олмади. Ўзидан йироқлаштириб, Маккага жўнатди.

Ҳумоюн ўзининг 15 минглик лашкари билан Искандаршоҳ Сурининг 80 минг навкар ва бир неча юз филдан ташкил топган лашкарини енгиб Деҳлига, сўнгра Аграга кирди. 15 йиллик танаффусдан кейин қайтадан Ҳиндистон пойтахтига ғалаба қозониб келди. Унинг қайтиши 962 ҳ. — 1555 йилга тўғри келди.

Мазкур жанглarning ҳаммасида йиллар давомида унга ҳамроҳ бўлган Байрамхон унга ниҳоятда катта ёрдам кўрсатди. Панжоб қўлга киргандан сўнг Ҳумоюн унга хонлар хони номини берди. Ўғли Акбарни Панжобга ҳоким қилиб тайинлар экан, Байрамхонни унга маслаҳатчи қилиб тайинлади. Лекин Ҳумоюннинг куни битгандек эди. Тарихи фаришта китобида ҳаётининг охириги соатлари шундай тасвирланади: «У ўз кутубхонасидан тушиб келаётганда азон товушини эшитди. Зинага ўтириб, у ҳам азонни ичида қайтара бошлайди. Сўнгра ҳассасига таяниб ўрнидан тура бошлайди. Шу пайтда ҳасса тойиб кетиб Ҳумоюн чалқанчасига йиқилади. Хизматкорлари уни подшоҳ ҳарамига олиб ўтишади. Лекин табиблар ҳеч нима қилиша олмайди. 963 ҳ. — 1556 йилнинг рабиул-аввалида (январиди), 51 ёшда вафот қилади». Унинг қабри устига ўғли Акбаршоҳ тарафидан қурилган мақбара (973 ҳ. — 1565 йилларда) энг йирик маданий ёдгорликлардан ҳисобланиб, шу пайтгача ҳатто ҳиндларнинг ўзлари ҳам фахрланадилар.

Ҳумоюн отаси Бобурнинг Қобулдаги саройида тарбияланди. Ўз асридаги подшо болалари сингари ҳарбий билимларни, сиёсат илмини ўрганди. Шу билан бир қаторда турк, форсий тилларни чуқур ўзлаштирди. Илмул-ҳандаса, илмун-нужумларни эгаллади. Шоир ва олим бўлиб етишди. Риёзиётда моҳир бўлди. Бўш пайтларининг кўпчилигини китоб ўқишга, олимлар суҳбатига бағишлади.

Лекин отаси Бобур сингари у шижоатли, сабрли эмас эди, шунинг учун отасининг вафотидан сўнг анча қийинчиликларни бошидан кечирди, чунки Ҳумоюн душманларини охиригача йўқ қилмас эди. Шу билан бир қаторда Ҳумоюнчалик кўп тарафдор орттирган одам ҳам йўқ бўлса керак.

Эронда кўп яшаганлиги сабабли, шиа мазҳабининг таъсири катта бўлган. Унинг ўнг қўли Байрамхон ҳам шиалик бўлгани сабабли, у ҳукмронлик қилаётган давлатга Эрондан, Ироқдан ва бошқа жойлардан жуда кўп шиаликлар келиб, давлат лавозимларига кўтари-

либ, Бобурийлар давлатининг ҳаётига анча таъсир кўрсатганлар.

Бу таъсирлар, айниқса, Акбар ва ундан кейинги Бобурийлар даврида кўпроқ намоён бўлади.

ЖАЛОЛИДДИН АКБАР. 963 ҳ. — 1556 ЙИЛДАН 1014 ҳ. — 1605 ЙИЛГАЧА ҲУҚМ СУРГАН.

Жалолиддин Муҳаммад Акбар бин Ҳумоюн бин Бобур Темурий 949 ҳ. — 1542 йилнинг февраль ойида дунёга келган. Бу воқеадан кўп ўтмасдан Ҳумоюн ўз оиласи билан укаси ҳукмрон бўлмиш Қандаҳорга келади. Шунда укаси уни ушлаб, қатл қилмоқчи эканлигини билиб Эронга кетиб қолади. Ўғли Акбар ва хотини укасининг ёнида қолишади.

Вақтлар ўтиб, Кобул ва Қандаҳор яна қайтиб Ҳумоюн қўлига ўтгач, Акбар отаси Ҳумоюн билан қайтадан юз кўришади. Ҳинд забт этилгач отаси уни Панжобга ҳоким қилиб тайинлайди. Отасининг ўлими ҳақида хабар бергандан кейин, Панжобда уни тахтга ўтказиб, халққа эълон қилинади. Бу вақтда, яъни 963 ҳ. — 1556 йилда Акбарнинг ёши эндигина ўн уч йилу 9 ой эди. Шу сабабли Байрамхон салтанат ишларини олиб боришда унга маслаҳатчи ва ёрдамчи қилиб тайинланади. Байрамхон жуда кучли лашкарбоши бўлиб, мамлакат ичидаги воқеаларни олдиндан кўра билган. Илгари отасига хизмат қилган бўлса, эндиликда ўғлининг мулкларини мустаҳкамлашда катта ёрдам бера бошлади. У туфайли катта бойликлар тўпланди, ҳамма норозилик ҳаракатлари бостирилди.

Бу пайтдаги сиёсий аҳвол жуда мураккаб эди. Ҳумоюн ишларини тугатмай тўсатдан вафот қилгани сабабли, афғонликлар давлатнинг катта ерларини эгаллашни давом эттирардилар, Искандаршоҳ Сури ҳамон лашкар тўлаб Бобурийлар подшоҳига зарба бериш учун фурсат пойлар, Одилхон Сури ўзининг вазири Ҳаймо билан Шарқда ўтириб, Агра ва Деҳлини қайтариб олишга фурсат пойлар, бундан фойдаланмоқчи бўлган кичик ҳокимлар эса салтанатнинг емирилиши-ю, кейин мустақил бўлишни орзу қилаётган пайт эди.

Акбарнинг олдида ана шундай қийинчиликларни енгишдек оғир вазифа турарди.

Одилхон вазири Ҳаймо билан ёш подшо тахтга ўтиришидан фойдаланиб, Деҳли ва Аграга ҳужум қилади, улар билан бир қаторда атрофдаги мамлакатларни ҳам эгаллаб Бобурийларни «Дуоб» мамлакатидан маҳ-

рум қилади. Сўнгра Акбарни Папжобдан қувиб чиқаришга тайёргарлик кўра бошлайди.

Байрамхон бундан хабар топгач, лашкарини йиғиб, Деҳлига йўл олади ва Ҳаймо билан Панипат водийсида учрашади. Ҳаймонинг лашкари 100 минг навкар ва 500 филдан, Байрамхонники эса 20 минг навкардан иборат эди. Бу жанг 964 ҳ. — 1556 йилнинг муҳаррам ойида бўлган ва ҳеч ким кутмагандек бўлган. Ҳаймо отининг устидан йиқилиб тушади. Буни кўрган жангчиларнинг юрагига ваҳима тушиб, қоча бошлашади. Шу алфозда Байрамхон жангни давом эттириб, Агра ва Деҳлини қайтариб олгунча бостириб бораверади, улардан ўтиб, Дуобни ҳам қўлга киритади. Ҳаймони асир олиб қатл этади.

Акбар 967 ҳ. — 1560 йили балоғат ёшига етди. У ўз ёшидаги подшо болалари сингари илму фанлардан баҳраманд бўлишга улгурмаган бўлса-да, лекин ақли, ҳаётни билиши билан ажралиб турарди. У яшаган ҳаёт, вояга етиш шароитлари, улғайиш жараёни уни кўп нарсаларга ўргатди.

Акбар отасининг тахтига ўтиргандан кейин, Байрамхон бутун тахт қийинчиликларини ўз бўйнига олди. унга ҳам устоз, ҳам лашкарбоши, ҳам ўринбосар бўлди. Унинг мавқеини мустаҳкамлади, душманларини қувди. Лекин Байрамхон мутаассиб, шиалик эди. Халқ эса сунний бўлган. Шунинг учун унинг ҳасади, адовати сезиларди. Шу сабабли, Акбар балоғатга етгандан сўнг уни юмшоқлик билан ишдан четлатишга қарор қилади. Лекин лутф билан гапирилган гаплар фойда бермади. Байрамхон Акбарга қарши чиқди. Акбар ўзининг бошқа лашкарбошилари билан уни қувади. Байрамхон ўзининг мағлубиятга учраганини тан олиб, кечирим сўрайди. Қолган умрини Ҳижоз ўлкасида ўтказиш шarti билан Акбар уни кечиради. Байрамхон Ҳижозга йўл олиб Гажарот вилоятининг «Нанн» шаҳри яқинига келганда афғонлар қасос олиб уни қатл этишади ва ўша ердаги маҳаллий қабристонга дафн этишади. Сўнгра унинг қолдиқлари Деҳлига кўчирилади.

Акбар ёш бўлгани учун баъзи лашкарбошилар, ҳукмдорлар унга қарши чиқишга уринадилар. Лекин у кичик бўлишига қарамай айтган сўзини қиладиган, ушлаган жойидан кесадиган эди. Бирор бир тadbир қилса, тўсатдан, қўққисдан қиларди, шу сабабли кўп душманларини бирма бир қириб йўқ қилди.

Кунлардан бирида лашкарбошилардан Алиқулихон — «Хон замон» (бир пайтлар Ҳумоюннинг энг йирик

лашкарбошиларидан бири эди) атрофига амирларни йиғиб, Акбарнинг Панжобдаги укаси Ҳаким Мирзо уюштирган қўзғолонни бостиришга кетганидан фойдаланиб, Қануж ва Авдани эгаллайди. Лекин Акбар тезликда Аграга қайтади, қўшинларини йиғиб, жангга ҳозирлик кўра бошлайди. Емғирлар мавсуми бўлган. Шунга қарамай Акбар Ганга дарёсининг ёқасига келади. Хон замон эса дарёнинг нариги қирғоғида хотиржам ўтирарди, сабаби Акбар бу оби-ҳаво шароитида жанг қилмайди деб ўйлаган. Акбар дарё бўйига келиб кема топмагач, миниб келган фили билан сувга тушиб, дарёнинг нариги бетига ўта бошлайди. Ўзи билан озгина лашкар олиб ўтади. Тонг ёришганда жанг дўмбиралари Хон замон эгаллаган Гара Манк Пур эшикларинда жаранглайди. Бу қўққисдан бўлган воқеадан Хон замон ва унинг лашкарлари эсанкираб, ўз мавқеларини бериб қўядилар. Акбар кўп ўлжаларни қўлга тушириб, яна бир душманини йўқ қилади. Бу воқеа 974 ҳ. — 1567 йилда содир бўлади.

Бундан кейин Акбар «Ранта-пур» қалъасини қўлга олиб, Ражпутанадаги «Читур» қалъасига йўл олади. Уша пайтларда бу қалъани олиш мумкин эмас деган нақл юрган. Акбар қўшинлари портловчи моддалар ёрдамида қалъа деворларини буза бошлашади. Тунда қалъа кўмондони девор устидан ташқарига қараганда Акбар уни камон ўқи билан уриб туширади. Бундан ваҳимага тушган қалъа аҳли ва аскарлар ўзларини ўлдиришга тушадилар. Душман енгилиб, 976 ҳ. — 1568 йилда «Читур» қўлга кириб, Ражпутана Акбарнинг мамлакатига қўшилгандан сўнг, давлатининг чегаралари Гажаротгача боради. Акбарнинг кўпгина қочиб кетган душманлари Гажаротда ўрнашиб олишган эди. Улар Ражпутана ва Малвага ҳужум қила бошлашади. Буни кўрган Акбар уни қўлга олишга отланади. Илгарироқ Баҳодиршоҳ замонида Ҳумоюн Гажаротни олган эди. Лекин бу узоқ давом этмаган. Ҳумоюн Шершоҳдан мағлубиятга учраб Ҳиндистондан кетганда Баҳодиршоҳ ўз мулкани сақлаб, қайтариб олган. Гажарот эса мустақил бўлиб қолаверади. Энди эса Гажаротни Баҳодиршоҳнинг набираси Музаффаршоҳ ҳимоя қиларди. Лекин у юзакни ҳукмдор эди. Асосий ҳокимият Фулом Эътимодхон қўлида эди. У исломни янгидан қабул қилгани сабабли мамлакатнинг аҳоли осойишта эмасди, ҳокимият заиф эди. Эътимодхон, шу сабабли, Акбарнинг ёнига бориб, ундан Гажаротни босиб олишни сўрайди. Гажарот қаршиликсиз таслим

бўлади. Душманлар қирилиб, Гажарот фасоддан тўзаланлади.

Акбар ўз лашкарларини Сурт шаҳрига солганда, португалликлар у ерда ўзларининг савдо марказларини ўрнатиб олишган бўлиб, маҳаллий кучларга ёрдам беришмоқчи бўладилар. Лекин Акбарнинг ғалабаларини кўриб, унинг муҳаббатини қозонишга қарор қилишади. Португалликлар Акбар билан Ҳожиларни Маккага бемалол ўтказиш, денгизда ҳам уларнинг йўлини тўсмаслик ҳақида шартнома тузадилар, чунки Сурт шаҳри порт шаҳари бўлгани сабабли у ерда охириги пайтгача ҳам «Боби-Макка» — Макка эшиги деб аталмиш кўча бор.

Акбар Гажаротдан қайтганда унинг ҳоқими Музаффаршоҳ ҳам у билан қайтади. Лекин Гажарот амирлари унга қайтиб келиб, ўз мулкини қайтариб олишни маслаҳат беришади. Уларнинг гапига кириб Музаффаршоҳ Аградан қочади. Акбар ўзининг собиқ вазири бўлмиш Байрамхоннинг ўғли Абдурахимхонни Музаффархонга қарши тузилган қўшинга бошлиқ қилиб тайинлади. Улар Гажаротга келишганда Музаффархоншоҳ соҳил бўйидаги вилоятларга қочиб кетиб, бир неча йилдан бери қароқчилик қилиб юради. Лекин, охири, 1001 ҳ. — 1592 йилда таслим бўлади. Аграга олиб кетилаётганда ўзини ўзи ўлдиради.

ПАНЖОБ ВА КОБУЛ

Ҳаким Мирзо — Акбарнинг отадан бўлган укаси — Кобулнинг ҳоқими эди. У ердан туриб Панжобга ҳужум қилади. Акбар унга қарши чиқиб, уни изма-из қувиб бориб Кобулни олади. Лекин, гуноҳидан ўтиб, яна Кобулни унга қайтиб беради. Ҳаким Мирзо иккинчи бор Панжобга ҳужум қилади. Акбар унинг гуноҳидан иккинчи бор ўтиб Кобулга ҳоким қилиб тайинлайди. Шу алфозда 1585 йилгача, то вафотига қадар у ерда ҳокимлик қилади.

Унинг ўлиmidан сўнг Кобул императорликка қўшилиб кетади. Акбар Кобулнинг ҳоқими қилиб ҳиндус Мон Сангни тайинлайди, бу эса унинг бошқа миллат вакилларига бўлган хайрихоҳлигидан далолат берарди.

Кашмир ҳам мусулмон ҳукмдорларининг қўлида эди. Лекин фитналар, ўзаро низолар ҳокимиятга путур етказаётганди. Акбар ўз ҳавоси, бойлиги, ўсимлик дунёси, кўркем шамоли билан машҳур бўлган вилоятни

ҳам ўз мулкига қўшиб олишни кўнглига тугиб қўяди ва 995 ҳ. — 1586 йилда забт этади.

Акбар замонида мамлакат ниҳоятда кенгайди. Бу мамлакатга шимолий ва Ўрта Ҳиндистон, жумладан Гажарот, Малва, шунингдек Бенгал ва ғарбда Афғонистон кирарди.

Бу юришлардан кейин Акбар жанубга отланди. У ерда, яъни Дуккандаги Баҳнабийлар давлати қолдиқлари устида бешта кичик мусулмон мамлакати — Бидордаги Боришоҳ давлати, Биҳор мамлакатлари, Гулканда, Пижопур ва Аҳмад Нагар пайдо бўлган эди. Аҳмад Нагарнинг ҳукмдори 980 ҳ. — 1572 йили Биҳор мамлакатига ҳужум қилиб, уни ўзига қўшиб олган эди. Бунинг натижасида анча кучайиб, хатарли кучга айлана бошлаганди. Бу давлатлар орасидаги ўзаро урушлар ҳеч тўхтамаган. Бу давлатларнинг шимолида бошқа бир мусулмон подшоҳлиги бўлиб, унинг номи Хондис, пойтахти эса Бурҳонпур эди. Бу ерда машҳур Асиргара қалъаси бўлган. У ҳам Гажаротга қўшиб олинган эди. Гажарот Акбарга ўтгандан кейин, бу қалъа ҳам унга ўтади. Фақатгина Хондис номигагина Бобурийларга тобе эди. Унинг ҳокими Акбарга хирож тўлашни тўхтатиб қўяди. Шу сабабли Акбар жанубга қараб йўл олади. Аҳмад Нагарга 1004 ҳ. — 1595 йилда юриш қилади. Унинг ҳукмдори ўша пайтда ёш бола бўлган. Лекин бу боланинг аммаси Чандбиби ҳақиқий ҳукмдор вазифасини ўтарди. Шу аёл Акбар билан юзма-юз учрашади. Бу тарихнинг энг нодир учрашувларидан бўлган, чунки лашкар бошида аёл турган. Акбар унга қарши юриш бошлаганда Чандбиби қўшни мусулмон ҳокимларига нидо қилиб, душман олдида бир саф бўлиб турнишга чақирди. Пижопур ҳокими унга ёрдамга ишшилган. Акбар қўшинлари қалъа деворларини буза бошлашганда, унинг ичидагилар қўрқувга тушиб қоча бошлашган. Шу пайтда Чандбиби юзидаги чодирани олиб ташлаб, қўлида қилич, эгнида темир либос билан, лашкарларга қараб қайтишни буюрган. Аскарлар бу чақириқни эшитиб қайтишган. Қалъанинг бузилган жойларини кечаси тузатишган. Қалъани қамал қилишни Акбарнинг ўғли Мурод олиб борган. Икки тараф обдон ҳолдан тойиб чарчаган пайтда, Пижопур қўшинлари Аҳмад Нагарга яқинлашган. Мурод сулҳ таклиф этган. Чандбиби буни қабул этган. Сулҳ шартига кўра Биҳор мамлакати Бобурийларга ўтган. Шундай қилиб, бу қўрқмас аёлнинг шижоати Акбар қўшинларига осон ғалаба йўлини тўсган.

Бундан кейин Акбар қўшинлари ва Пижопур мамлақати орасида қаттиқ уруш бўлган. Бунга сабаб Пижопурнинг Аҳмад Нагарга ёрдами эди. Мусулмон подшоҳликлари бўлмиш Аҳмад Нагар, Гулканда, Пижопур жангга турди. Уруш узоққа чўзилди. Ҳеч бир тараф ғалабага эришмади. Бу орада лашкарга бошчилик қилувчи Акбарнинг Мурод исмли ўғли вафот этади. Акбар шошилишчи равишда иккинчи ўғли Дониёлни юборади. Унинг кетидан Акбарнинг ўзи 1008 ҳ. — 1599 йили 80 минглик лашкар билан етиб келади. Лекин бу орада Хондис подшоҳлигининг мавқеи унинг ҳукмдори ўлиб, ўрнига унинг ўғли Шоҳ Баҳодир Дил ўтиргандан кейин анча ўзгариб қолади. У Бобурийларга бўйсунмай хирож тўлашдан бош тортади. Бу мамлакат Дукканнынги шимолида бўлиб, мусулмон подшоҳликларига кириб борадиган «йўлак» ҳисобланарди. У орқали жанубдаги Гулканда Пижопур ва Аҳмад Нагарга ўтса бўларди. Акбар бу давлатнинг аҳамиятини билиб, уни ўзига бўйсундиришга қарор қилади. Ўзинга жанубга йўл очиш учун машҳур Асиргара қалъасини қамал қилади, ўғли Дониёл эса Аҳмад Нагарни қамал этади. Кунлар ўтди. Асиргаранинги қамали давом этаётган 1009 ҳ. — 1600 йилда Аҳмад Нагар таслим бўлди деб хабар келади. Шу пайтда Асиргара қалъаси ҳам таслим бўлади. Шундай қилиб, Хондис ва Аҳмад Нагар Бобурийларга қўшилади, лекин Пижопур ва Гулканда ҳамон мустақиллигича қолаверади. Ниҳоят, Акбарнинг мамлақати қўидаги вилоятлардан ташкил топди: Кобул, Қандаҳор, Санд, Мултон; Лоҳур; Кашмир; Дехли; Агра, Ачмир, Илоҳ-обод Авда; Баҳор, Бенгал; Бенгал қўлтиғи соҳилидаги Ариса, Малва, Гажарот, Хондис; Барор; Аҳмад Нагар.

ЎҒЛИ САЛИМНИНГ ИНҚИЛОБИ


Акбар, ўғли ва тахт вориси Салим мулкни эгаллаш мақсадида Илоҳ-ободда қўзғолон қилганини эшитиб, Дуккандан тезлик билан қайтади. У ерда эса ҳукмдорликни давом эттириш учун Дониёл ва Абул-Фазлни қолдирди. Аграга етиб келгандан сўнг тезликда келиб отасидан кечирим сўраш учун Салимга хат ёзади. Худди шу пайтда Абул-Фазл Дуккандан қайтади. У билан Салим ўртасида совуқчилик бор эди. У отасини ўзига қарши қилиб қўйишидан қўрқиб, тобеларидан Ражарам ва Бандахил Қахандга Салимни келишидан олдин ўлдиришни буюради. 1011 ҳ. — 1602 йили уни ўлдири-

шади. Акбар ғазаб ўтида қотиллардан қасос олади. 1604 йилда унинг Дониёл ўғли ҳам вафот этади. Бу ташвишларни кўтара олмаган Акбар 1605 йилда вафот этади ва Агра ёнидаги Искандар ободда дафн этилади. Ҳиндистонга у тахминан 50 йил подшоҳлик қилди.

АКБАРНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИ

Ҳиндистонни идора этишда Акбар янги бир сиёсатни қўлладики, унда илгариги унча-мунча ҳукмдор бундай йўл тутмаганди. Унинг сиёсати Ҳиндистон ҳиндларники принципіга асосланган эди. Акбарнинг ҳукми инсонийлик асосида олиб борилиб, одамларни миллатига, динига қараб ажратмади. Бунинг натижасида халқнинг муҳаббатини қозонди. Қобул ва Қандаҳорни Ҳиндга тобе вилоятлар деб эълон қилди. Ваҳоланки, аксинча қилини мумкин эди. Буни кўрган ҳиндуслар ва рожалар унга ихлос билан итоат қилишди, чунки булар ягона ватан ўғлонларини бир-биридан ажратмай, бирдек кўриш шиорига суяниб иш қилаётган ҳукмдорни энди кўришганди.

Акбар халқни азобга солаётган жинзья солиғидан озод қилди. Маҳаллий халқ вакиллари қуйидан тортиб, токи юқоригача бўлган давлат ишларида иштирок этишди. Қобулнинг ҳокими ҳиндусдан тайинланди. Ҳиндуслар ҳам ҳеч қачон тасаввур қилмаган, орзу қилмаган нарсаларни Акбардан топилди. Акбар ҳиндуслар ва ўз амирлари ўртасида қариндошчилик алоқаларини ўрната бошлади. Ҳиндусларнинг кўпи унинг муомала доирасига кирди. Ҳокимият доирасидаги таъсирларини кучайтирди. Илгари ҳиндуслар мусулмон «босқинчиларига» адоват кўзи билан қарасалар, энди эса ихлос ва муҳаббат кўзи билан қарадилар. Акбарнинг бу сиёсати, умуман мусулмон ҳукмдорларининг Ҳиндистондаги сиёсатига инсбатан инқилоб эди. Жумладан, солиқ тўлашда мусулмонлар ва ҳиндуслар ўртасидаги ҳар қандай фарқни йўқ қилди. Шикоят қилувчилар учун махсус жой тайинлади, ҳар бир кимса ўз дардини шу ерга келиб айтарди. Шунингдек деҳқонларнинг ерларини уларга мулк сифатида боғлаб қўйди, илгариги қарзларини кечиб юборди. Замонага мос келадиган қонун-қоидалар ишлаб чиқди. Балоғат ёшига етмасдан турмуш қуришни ман этди, бева қолган ҳиндус аёлларга турмуш қуришни руҳсат этди. Ҳиндус олимларини санскрит тилини ўрганишга рағбатлантирди. Ўз ҳокимларига эса қуйидагиларни буюрди:



— қўл остидагиларнинг ҳолидан доимо хабардор бўлишни;

— кишиларга хушмуомалада бўлиб, камбағалларга ёрдам беришни;

— ҳадялар қабул қилмасликни;

— бошқа дин вакилларига эътироз қилмаслик, зарур бўлса йўл кўрсатишни;

— исломга жабр йўли билан киритмасликни ва ҳ. к.

Акбар даврида ҳинд, форс, турк ва араб тилларидан ташкил топган урду тили ҳаётга қадам қўйди. Турк тили подшоҳ аҳлининг тили, форс тили давлат тили, араб тили эса ислом динининг тили бўлиб қолди.

Зикр қилинларича, Акбар ўз лашкарига, унинг ташкилий масалаларига катта эътибор берган. Ҳаттоки, ҳар бир замбаракка ном бериб, уларнинг тарихи ёзиб борилган.

Акбар даврининг охирларига келиб, 1009—1600 йилларда Ҳинд—Инглиз ширкати ташкил бўлган. Унинг раҳбарлари Акбар билан учрашиб, баъзи савдо-сотиқ имтиёзларини олишган. Ундан ташқари Акбар инглиз қироли Джеймс I нинг биринчи элчиси Томас Руни ўз саройида қабул қилган.

АКБАРНИНГ ДИН СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ

Акбар бизга маълум бўлган ишларидан ташқари ўзининг диний ақидаси билан ҳам машҳур бўлган. Бунинг натижасида гаплар кўпайди, норозиликлар кучайди. Акбар—ислом императори, мусулмон оиласидан бўлгани ҳолда, ислом вакили сифатида ҳукм сурди. Лекин у ислом динидан чеккага чиқиб кетишларга йўл қўйдики, одамлар оғзида гапга айланди. Ҳамма гап шундаки, унинг диний ақидаси давлат сиёсати билан қоришиб кетди. Ўз ақидаси билан, ўз оиласи ва мусулмон аҳлига ўзини қарама-қарши қўйди. Исломотаълимотини эл ўртасида қўллаб-қувватламади. Бу ишларнинг амалга ошишига туртки бўлган сабаблар қаторида унинг ҳиндусларга ўрганиб қолганлиги, уларнинг Акбарга жуда кўп ёрдам берганликлари, Акбарнинг диний сиёсати уларга кўп маъқул келганини кўрсатиши мумкин.

Ҳиндистонда Акбар юритган сиёсати умуммиллий сиёсат бўлишини хоҳлаган. Бошқача қилиб айтганда, динга таянмаган, диндан ташқари ҳукм бўлишини истарди. У давлатидаги ҳамма динларнинг аралашмасидан ташкил топган янги бир дин ихтиро қилмоқчи бўлди. Шундан кейин Акбар янги дин асосчиси бўлиб, му-

қаддаслик шарафига муяссар бўлмоқчи эди. Мазкур сабаблар ёнига яна шуни қўшиш керакки, Акбар ёшлигидан диний таълим ололмади, унга якка-ю ягона йўл кўрсатувчи бўлган одам Байрамхон эди. Маълумки у мутаассиб шиалик эди. Шунга бўлса керак, кейинчалик Акбар ўзига яқинлаштирган олимларнинг кўпи шиа мазҳабидан бўлиб, улар ҳаммаси маслаҳатчилар вазифасини ўташарди. Булар жумласидан Фатҳулло Шерозий, Абул Фазл ан-Нагори, унинг акаси Абул Файз ва оталари Муборак ан-Нагори эдилар. Улар нафақат шиалик эдилар, балки динга шундай муносабатда бўлганларки, кўпгина замондош олимлар уларни бехудоликда ҳам айблашган. Акбар ўз навбатида уларнинг таъсирига шунчалик тушиб қолган эдики, ҳатто кўпгина тарихчилар уни ҳам шиа мазҳабидан деб ёзишган.

Тарихий китобларда зикр этилишича, фаолнятининг бошларида у илм ва дин аҳлини ўзига кўп яқинлаштирган. Ҳаттоки ўзи шайх Абдунаби Аҳмад ал-Ғангухийнинг уйига бориб, ҳадисларидан эшитиб қайтган. Уйига борган пайтда шайхнинг ковушларини қўллари билан тўғрилаб, пойига суриб қўярди. Ҳар йили Ачмирга шайх Муаййинуддин Ҳасан ас-Сажази ал-Чиштининг қабрини зиёрат қилиш учун борган. Шайх Салим бин Баҳоуддин ас-Сайкаровининг донмо дуосини оларди. Шайх Салим унга уччала ўғлини башорат қилгандан сўнг Акбарнинг эътиқоди янада ошиб бобурийларнинг одатига хилоф равишда (улар болаларига кимсасиз жойларнинг номини, у ерда яшовчиларнинг исмини беришмаган) Агранинг ёнидаги кимсасиз жойда яшовчи шу шайхнинг «Салим» исмини ўғлига берган. Унга ҳурмат белгиси сифатида Аграни ўз мамлакатининг пойтахти қилиб тайинлади. Шайх яшаган шаҳарча эса Фатҳпур—Сайкари деб ном олди.

Акбар олимларга катта ҳурмат кўрсатиб, уларни авлиёлар даражасига кўтарган. Лекин бу ишлар унинг ҳукмронлигининг биринчи йнгирма йиллари давомида бўлган. Кейинчалик эса мулойим, итоатгўй одамдан мутакаббир ва кибрли одамга айланган. Атрофидагилар унинг руҳини бузадилар. Уни кўкларга кўтариб Оллоҳнинг ердаги сояси деб олқишладилар. Шунинг учун у олимларнинг гапига қулоқ солмаслиги, улар тутган йўлни тутмаслиги керак; ўз фикри билан нимани лозим топса ўшани қилиши керак, чунки у тутган йўл, мартаба—унинг олий имомлиги ва халифалиги оддий мужтаҳидлардан баланддир. Бу фикр шиа мазҳабининг имом ҳақидаги фикрига жуда яқин. Унинг онгига бу фикрларни

сингдирган шайхлар орасида шайх Муборак ҳам бор эди.

Ибн Хадар ан-Нагори ва унинг икки ўғли тарихий китобларда зикр этилишича шиа мазҳабидан бўлишган. Акбар ақидасидаги ўзгаришлар уларнинг таъсирида бўлган. Акбар ўзи яшаган шаҳарда «ибодатхона» ташкил этдики, бу ердаги ибодатнинг кўриниши ислом маросимларидан эркин бўлиб, ҳамма мавжуд динларнинг усулларидан тузилганди. Бу янги динни у «дини илоҳий» деб номлади. Акбарнинг эълон қилишига кўра: «ислом динига даъват қилиш замони ўтди. 1000 йил ичида ислом замонасига тўғри келмай қолди. Энди эса ҳақиқат ислом дини тарафида бўлмай, балки динлар ва мазҳаблар орасидадир. Шунинг учун биз ҳам дин ва мазҳаблардан янги ибодат йўлини олишимиз керак. Акбар шу фикрлар билан янги ибодат йўлини ушлади. Шароб ичишга рухсат берди. Мажусийларнинг одатига кўра, унга тақлид қилиб, ўз ҳарамиди олов ёқишни буюрди. Ҳинд мушриклари сингари қуёш чиқаётганда унга таъзим қилди. Унинг буйруғи билан «Ло илоҳа иллоллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ» муқаддас калимаси ўрнида «Ло илоҳа иллоллоҳ, Акбар халифатуллоҳ» деб айтишга бошлашди. Ҳар йили наврўз куни қуёшга ва оловга сажда қиларди. Пешонага қашқа қилишни расм тусига киргазди, шу қаторда ҳиндусларга хос бўлган кўп одатларни қабул қилиб, ўз халқи орасида тарқатди. Ўзига тобеъларни ислом анъаналарини тарқ этишга мажбур қилиб, астрономия, ҳисоб, тиб ва фалсафадан ташқари арабий илмларни ўрганмасликка амр қилди. Амир Шакиб Арслон ўзининг «Ислом оламишнинг ҳозирини» китобида шу мавзуга тўхтаб, деган: «Акбаршоҳ христиан динидан беҳабар бўлмаган. 1580 йилда Португал роҳибларига хат ёзиб, унга ақидаларини тушунтириш учун фақиҳ олим юборишларини сўраган. Улар унинг илтимосига кўра унга Инжилни юборишган. У эса инжилни тушуниш учун форс тилига таржима қилишни буюрган. Шундан кейин иезуитларга мурожаат қилиб, ўғли Муроднинг саводини чиқаришни сўраган. Сўнгра улар Агра, Лоҳур ва бошқа ерларда Акбарнинг рухсати билан мадрасалар очишган. Акбар уларнинг черковларига бориб турган, зиёрат пайтида тиз ҳам чўккан».

Акбар ўзининг янги дини билан солган шовқини бутун давлатда акс садо топди. Баъзи вилоятлар унга қарши чиқишди. Бош кўтарганлар яқсон қилинган. Масалан, шайх Абдуллоҳ ас-Султонпурини Ҳижозга бадарга қилган.

Бошқа тарафдан Акбар замонида умуммаданий кў-

таринкилик кучли бўлгани учун, бу замонда китоблар ёзиш ниҳоятда ривож топади. Қуйида мисол тариқасида улардан баъзиларини келтирамиз:

1. «Ҳайвон ҳаёти» — Дамирийнинг «ҳаётул ҳайвон» китобини Абул Фазл форс тилига 1575 йилда таржима қилди.

2. Абул Фазл кейинги йилларда яна инжилни форс тилига таржима қилди. «Қалила ва Димна»ни тушунарсиз қадимги форс тилидан тушунарли форс тилига таржима қилди.

3. «Ойини Акбари» — Акбар ҳокимиятининг низом ва қонуни. Бу асарни ҳам Абул Фазл таълиф этган.

4. «Акбарнома» — Акбар тарихи; бу китобда ҳинд тарихи Бобурий шоҳларининг биринчи кундан Акбар замонигача ёзилган.

5. Ҳиндларда муқаддас бўлмиш «Махабхарата»ни ал-Бадаюний ва ал-Қазвиний форс тилига таржима қилишди.

6. Бағдод, Шом ўлкаси, Мисрдаги Аббосий, Умавий ва Рошидий халифаларининг тарихини ал-Бадаюний форс тилида ёзди.

7. Бадаюнийнинг «Мунтахабут-таворих» — уч томлик асари. Биринчи жилд Ҳумоюнғача бўлган ҳамма подшоҳларнинг тарихига бағишланган, иккинчи жилд Акбар тахтга ўтиргандан кейинги 40 йил ичидаги тарих. Бу жилдда Бадаюний Акбар ва Абул Фазл ақидаларини қўрқмасдан танқид қилган. Учинчи жилдда Бадаюний ўзига замондош бўлмиш шайхлар, олимлар, шоирлар ва табибларнинг ҳаётига оид маълумотларни ёзган.

Умуман, жуда кўп илмлар соҳасида шунчалик кўп китоблар ёзилиб, таржималар қилинганки, бу соҳада олимларнинг таъбири билан айтганда, саводсиз, жоҳил Акбарнинг қилган жуда кенг илмий ва маданий ҳаракатлари одамни хайратга солади.

ЖАҲОНГИР (1605—1014 ҳ дан 1627—1037 ҳ ГАЧА ҲУҚМ СУРГАН)

Жаҳонгирнинг кундалик ёзувлари бўлмиш «Тузуки Жаҳонгири»да (ўз дастхати билан ёзилган) шундай дейилган: «Оллоҳнинг фазли ва авни билан Аградаги ҳокимият тахтига ўттиз саккиз ёшимда — 1014 ҳижрийда, Жумудо ал-ахиранинг саккизинчисида, пайшанба куни (1605 йилнинг 17 октябрида) ўтирдим. Отам йигирма саккиз ёшга чиққанда унинг бирорта ҳам боласи тирик қолмаган. Шу сабабдан у пайғамбарларга мурожаат қилиб, авлиёлар билан мулоқотда бўлганки, Оллох

унга бир фарзанд берсин деб. Агар тангри унга ўғил бериб, унинг умри узоқ бўлса, ҳиндистондаги авлиёлар отаси бўлмиш Муаййинуддин Чистининг қабрини зиёрат қиламан деб ўзига ўзи сўз берган. Пойтахт Аградан Ачмиргача бўлган 140 фарсах масофани оёқларимда бутун ихлос ва эҳтиром билан босиб ўтаман деб аҳд қилган. Шундан кейин, 1570 йилнинг 17 нчи рабиул аввалида, чоршанба куни пешинда туғилдим.

Агранинг ёнида Сайкари тоғи бўлиб, шайх Салим унинг ён бағрида истиқомат қиларди. Уша пайтларда умри анчага бориб қолган, диний, илоҳий илмларда камолотга етган. Сайкари аҳолиси унинг атрофида парвона бўлиб, кўрсатмаларига амал қилишарди. Отам шайх Салимнинг камолотини эшитгач, шайхнинг хузурига боради. Ҳаёли паришон аҳволда ундаи сўрайди: «Эй қудратли шайх, менда нечта фарзанд бўлади? Шайх унга жавоб беради: Оллоҳ сенга уч фарзанд ато этади. Отам айтдики, у ҳолда уларнинг аввалини сенинг тарбиянга, назарингга ва иноятингга беришни мен фарз ҳисобладим. Шайх Салим бу гапни қабул қилди. Уни ўзимизга адаш ҳам ҳисоблаймиз, деди. Туғилиш пайтим яқинлашганда отам онамни шайхнинг ҳовлисига — Сайкари қишлоғига жўнатди. Туғилганимдан кейин у мени Муҳаммад Салим деб номлади, султон деб лақаблади. Кейинчалик туғилган жойимни шайх Салимга бўлган ихлос рамзи сифатида мамлакатга пойтахт қилиб тайинлади. Сайкари ери шундан кейин ўзгарди. Унинг ҳар хил йиртқич ҳайвонлар айланиб юрган ўрмонлари ўрнида боғлар, чиройли кўчалар барпо бўлди, ҳашаматли бинолар қурилди. Гажарот забт этилгандан кейин уни «Фатҳпур» деб номлади».

Салимнинг онаси ҳиндус рожа «Чипур Баҳори Мал» нинг қизи бўлиб, Акбар 970ҳ—1562 йили унга уйланган. Ўғиллари Салим жуда яхши тарбияланган. Шайх Муҳаммад Саъид ал-Ҳиравидан (Мир Калон номи билан машҳур бўлган) ҳадис илмини ўрганган. Муфти Садр Жаҳон ал-Паҳонавий ҳам унга устозлик қилди. Шайх Салим таъсирида бўлган бу тарбия Салимда шундай бир дунёқараш шакллантирдикки, бу жиҳатдан у отаси Акбардан жуда фарқланарди. Исломга эътиқоди маҳкам, олимларни эса ҳурмат ва иззат қилди.

Салим оилада катта фарзанд бўлгани учун (Мурод ва Дониёллар ундан кейин туғилишган) отаси уни, юқорида зикр қилинган анъанага кўра ҳинд рожаларидан бирининг қизига уйлантириб қўйди. Салим ўз эсдаликларида эътироф этишича, отаси уни укаларича яхши

кўрмаётганлигини сезгач, уларнинг орасига совуқлик тушиб қолган. Шунинг учун бўлса керак, отаси уни Йлоқ-ободга ҳоким қилиб тайинлайди. Отасига бўлган кўнгил совуқлик Салимни Акбар Дукканда уруш олиб бораётганда, унга қарши чиқишга ундайди. Лекин бу хилоф узоқ давом этмайди, чунки укалари Мурод ва До-ниёл Дукканда вафот этишади. Салим эса яккаю ягона тахт вориси бўлиб қолади. Лекин бу орада Салимнинг катта ўгли Хисрав ўз отасининг рақиби бўлиб қолади. Чунки Хисрав бувасидан кейин тахтга ўтиришни орзу қилиб юрарди. Бу ҳамма ҳаракатлар отаси ва буваси орасидаги келишмовчиликлар давом этаётган пайтда бўлганди. Салим тахтга ўтиради.

Отаси ҳокимият тепасида салкам 50 йил ўтирган бў-лишига қарамай, давлат ҳануз нотинч эди. Сабаби мам-лакатнинг у ер-бу ерида Хисрав сабабли қўзғолонлар кўтарилиб турарди.

Дукканда Анбар ал-Ҳабаший бошчилигида қўзғолон кўтарилади. Жаҳонгир бу қўзғолонни бостириш учун Хонлархонни юборади. Лекин у ҳеч нима қилолмайди. Анбар Авранг-ободни ўзига марказ қилиб олади. Кейин-чалик Жаҳонгир қўшинларига бас кела олмаслигини билгач Анбар унинг лашкарига қўққисдан ҳужум қилиб, уни анча заифлаштириб қўяди. Натижада Аҳмад Нагар бобурийлар қўлидан кетади. Бу хабар Жаҳонгирга етиб келгач, у жуда катта лашкар тўплаб Анбарга қарши юради. Бу ҳаракатдан фойда чиқмагандан кейин, Жаҳон-гир иккинчи бор катта лашкар тўплаб, унга ўзининг ниҳоятда шижоатли ўгли Хуррамни лашкарбоши қилиб тайинлайди. Хуррамнинг бахтига Анбар атрофидаги ва-зият ўзгарган эди. Улар орасидаги воқеалар 1616 йилда сулҳ билан тугайди. Хисравга эса, бувасининг ўлиmidан сўнг, баъзи мансабдор амирлар унинг бу иштини маъ-қуллаб, отасига қарши чиқишга ундашади. Хисрав Пан-жобга қочиб бориб, у ерда инқилоб қилади. Жаҳонгир тезликда уни таъқиб остига олади ва аввал Лоҳурга, сўнгра Афғонистонгача қувиб боради. Хисрав Кобул яқинидаги Чаноб дарёсида қўлга олиниб, вафотига қадар қамоқда ётади.

Жаҳонгирнинг уйланиши. Жаҳонгир ўзининг яқин кишиларидан бўлмиш Шеровган номли одамнинг хоти-нига ишқи тушиб қолади. Шеровган бирмунча пайт шоҳ хизматида юргандан кейин, Жаҳонгир уни Бенгалга ҳоким қилиб тайинлаган. Жаҳонгир ўз эсдаликларида ёзишича Шеровган султонга қарши фитналар уюштира бошлаган. Шунда у ўз лашкарбошиларидан бирига хат

ёзиб Шерни топишни ва куч билан бўлса ҳам келтиришни буюрган. Элчи келиб (Қутбиддин исмли) султоннинг мактубини Шерга етказганда, у гапнинг нимадалигини дарров тушунган ва қилич билан Қутбиддинни ўлдирган. Унинг йигитлари эса Шерни ўлдиришган. Бу воқеадан сўнг унинг хотинига уйланиш истагини билдирган. Бу аёлнинг исми Муҳриннисо бўлиб, теҳронлик Ғиёсиддин ат-Теҳронийнинг қизи бўлган. Аёлнинг розилиги билан Жаҳонгир унга уйланган. Кейин эса унга Нуржаҳон деб янги исм берган. Аёлнинг саройга келиши давлат сиёсатига, ишларига туртки ҳам бўлган, янги фитналарга ҳам асос бўлган.

Жаҳонгир Нуржаҳонни жуда яхши кўрган. Уйланган куниданоқ унинг сеҳрли жамолига асир бўлиб қолгани учун, Нуржаҳон подшоҳдек бўлиб қолади. Амр-фармонлар тагидаги подшоҳ имзоси ёнида унинг имзоси турарди. Ўзининг ва эрининг номини қўйиб пуллар чиқаради. Тахтга ўтириб, одамларни қабул қилади. Шу сабабдан унинг аҳли, у билан муомалада бўлганлар мамлакатда катта нуфуз эгаси бўлиб қолишади. Масалан, унинг отасини «давлат суянчиги» — «эътимодуддавла» деб лақаблашган. Акаси Осиф император протокол бўлимининг бошлиғи қилиб тайинланган. Ҳақиқий ҳокимият Нуржаҳон қўлига ўтади. Жаҳонгир эса ўз муҳаббатига ғарқ бўлган ҳолда ичкилик ва ўйин-кулгуга берилиб кетади. Бунинг натижасида Нуржаҳон ворислик масаласига ҳам аралашади.

Подшоҳнинг Хуррам исмлик ўғли — Музаффар лашкарбоши ва улуғ шахсият соҳибини эди. Нуржаҳон уни ҳам ўзига бўйсундириш мақсадида Хуррамни акаси Осифнинг қизига уйлантириб қўяди. Аввалги эридан бўлган қизини эса Жаҳонгирнинг кенжа ўғли Шаҳриёрга турмушга беради. Шундан кейин қизининг эри ҳақиқий тахт вориси бўлиши учун ҳаракатни бошлаб юборади. Хуррам эса, отасидан кейин унга табиий равишда ўтиши керак бўлган тахт укасига ўтиб кетаётганини сезгач Нуржаҳон билан олишга бошлайди. Жаҳонгир эса бу низога аралашмаган ҳолда бошқа ўғлини—Парвизни тахт вориси деб эълон қилади. Бунини эшитган Хуррам ниҳоятда ғазабланади. 1622 йилда Бенгал ва Баҳорни босиб олиб, мустақил бўлишга уринади. Лекин 1625 йилда ўз фикридан қайтиб, отаси билан сулҳ тузади. Бу воқеа ўз навбатида султоннинг кўнглида чуқур из қолдиради.

Салтанатнинг улуғ лашкарбошиларидан бири бўлиши Маҳобатхон (бир пайтлар Хуррамни таъқиб этиб,

Бенгалдаги инқилобинин бостирганди) ўз лашкари орасида ва Парвиз олдида обрўси жуда баланд эди. Бу эса Нуржаҳонга ёқмасди, чунки у куёвини Шаҳриёрнинг тарафида эди. Шунинг учун Маҳобатхоннинг Бенгалдаги ишларига кўп хиёнатлар қилиб, султонга ёмон кўрсатади. Жаҳонгир Маҳобатхонни Қобулни бўйсундириш учун кетаётган еридан чақиртиради. Кашмирда аскарлар ўтиши учун кўприк қурилаётган бўлади. Подшоҳ аскарларининг кўп қисми кўприкдан ўтиши билан Маҳобатхон фурсат пойлаб унга ҳужум қилади ва султон Жаҳонгирни 1626 йилда асир олади. Бир неча ойлардан кейин Нуржаҳон сиёсати туфайли ва анча лашкар йиғиши эвазига султонни Маҳобатхондан халос қилади. Маҳобатхон кечирим сўраб келади. Нуржаҳон уни Хуррамга қарши қурол қилиш мақсадида унинг айбидан ўтади.

Хуррам ўша пайтларда Эронга кетмоқчи бўлиб юрган эди. Лекин фикрини ўзгартириб Дукканга — ўзининг шахсий ерларига кетади. Маҳобатхон эса уни таъқиб қилиш ўрнига унга бориб қўшилади. Шу аснода Бурҳонпурда Парвиз вафот этади. Дукканда ҳокимиятга Анбар ал-Ҳабаший ўрнига Ёқут ал-Ҳабаший келади. У кўп вақт ўтмай бобурийларга қарши уруш эълон қилади. Жаҳонгир унга қарши лашкар юбориб, ўзи эса султонлар одатига кўра озгина дам олиш учун Кашмирга кетади. Лекин у ерда нафас бўғиш касалига дучор бўлиб, қайтаётганда, йўлда 1627 йилда вафот этади.

Жаҳонгир ҳокимиятга отаси Акбардан кейин келди. Ундан қолган салтанат маҳкам эди. Лекин ғоялар нуқтан назаридан қараганда отасидан шундай мерос қолдики, бу мерос халқни ҳануз ғазабга келтирарди. Шунинг учун у отаси ислом шариятига хилоф равишда амалга оширган ишларни йўқ қила бошлади. Илоҳий дин ғоясини бекор қилди. Мусулмон кўнгли таскин топди.

Жаҳонгир отаси сингари азамат ва кучли шахс эмасди. Ичкиликка, афъюн чекишга хирс қўйиб, саломатлигини анча йўқотиб қўяди. Ундан ташқари овга, ҳайвонларни қувишга жуда берилганди. Мусаввирлик санъатида моҳир бўлган. Кундалик дафтарлар ёзишни жуда яхши кўрган. Бу дафтарлар «Тузуки Жаҳонгири» деб ном олган. Бу тузуқларда унинг адабиёт соҳасидаги маҳорати ўз ифодасини топган. Ўзи форс тилида «Панднома» ёзиб боласига қолдирган. Ундан ташқари шайх Муҳаммад бин ал-Жалол ал-Ғажаротийга топшириқ бериб, Қуръонни форс тилига аслий таржима қилдирган.

Жаҳонгир тузуклари султондан мерос қолган энг катта бойлик ҳисобланади. Чунки ҳодисалар, воқеалар кун сайин ёзиб борилган, уни ўқиган одам ёнида Жаҳонгир нафасини сезади.

Қуйида унинг кундаликларидан баъзи лавҳаларни келтирамиз:

— Подшоҳлик тахтига ўтирганимдан кейинги қилган биринчи ишим шу бўлдики, адолат силсиласини ўрнатишни буюрдим, шахсан ўзим мазлумларнинг шикоятларига қулоқ беришга қарор қилдим.

— Оллоҳнинг фазли билан менинг руҳим бедорликка ўрғанди. Ҳар кун 2—3 соат вақтимни уйқуга бой берман, холос. Бошқа вақтларни эса салтанат аҳволига ва Оллоҳу таолони зикр этишга бағишлайман.

— Баъзи хизматчилар ва бойларнинг занфлар қизиға кўз олайтиргани ҳақидаги хабарлар менга етиб келгач, мен шайх Банориси, Фиёсиддинхон ва уларга ўхшаган баъзи қонунбузар амирларни ҳузуримга чақирдим. Аграга етиб келишгач, уларнинг сочларини, соқолларини олиб, эшакка миндириб, шаҳарнинг ҳамма кўчалари ва атрофларини айлантиришларини амр қилдим.

Жаҳонгир ҳокимиятга келгандан сўнг давлатнинг раванқини кўрган уч европа давлати унга эгаллик қилиш учун савдо мақсади ниқоби остида ҳаракат бошлашади. Шу кунга келиб португалияликлар қадам қўйганига 100 йилча вақт ўтган бўлади. Иккинчи давлат инглизлар бўлиб, улар асосан ҳинд—инглиз ширкатининг вакиллари эди. Голландия ҳам бу ерда ҳинд-голланд ширкати вакиллари сифатида мавжуд эдилар. Инглиз ширкати 1600 йилда, голландия ширкати эса 1602 йилда тузилиб португаллар билан рақобат бошлашади.

Жаҳонгир тахтга ўтиргач, у ҳам чет элликларга отасининг кўзи билан қарай бошлайди. Уша пайтларда инглиз қироли Жеймс-І Хокинз деган шахсни у ерга элчи қилиб жўнатади. Бу элчи бир пайтнинг ўзида ҳинд—инглиз ширкатининг ҳам бош вакили эди. Элчи қирол рисоласини Жаҳонгирга топширганда, Жаҳонгирнинг биринчи вазири шундай деган: Бобурийлар подшосидек бир одам Англия қироли сингари кичкина подшога хат жавоби ёзиши маъқул эмас. Элчи ҳеч бир гап айтмаган. Инглизлар ҳар-хил фитналар уюштириш билан бирга, ўз савдо ишларини аста-секин давом эттираверилган.

Вақтлар ўтиб инглиз элчиси ўзгарган. Хокинз ўрнига Томас Ру бўлди. 1615 йилда у султоннинг ишончини қозониб, инглизлар савдосидан солиқ олмасликка эришган. Ундан ташқари 1616 йилда Сурт портини қалъа

қилиб ўраб олишга ҳам рухсат берган.

Шунингдек, Жаҳонгир замонида 1616—18 йилларда Суртда, Аҳмадободда, Дукканда ва унинг соҳил бўйи нуқталарида, Аграда голландияликлар савдо марказлари очишади.

Шундай қилиб, Жаҳонгир замонасида европаликлар Ҳиндистонга аста-секин ўз қўлларини чўза бошлашади. Тарихчиларнинг фикрига кўра Жаҳонгирнинг европаликлар савдосидан солиқ олмагани бунга сабаб бўлган. Бунинг натижасида улар мамлакат ичкарисида чуқур илдиз отиб юбордилар.

ШОҲЖАҲОН

Жаҳонгир тахт вориси аниқ бўлмасдан туриб вафот этди. Ундан кейин ўзаро низолашиб юрган икки ўғил қолди: Шаҳриёр — Нуржаҳоннинг куёви ва Хуррам — Осифхоннинг куёви.

Ҳамма лашкарлар, амирлар ва Осифхон Хуррам тарафида эдилар. Булардан ташқари яна икки ворис — Хисравнинг ва Дониёлнинг ўғиллари бор эди.

Отасининг вафотини эшитган Хуррам Аграга шошилди. Шу пайтда Осифхон ўз синглиси Нуржаҳонни, Шаҳриёрни, Хисровни ва Дониёлни қўлга олади ва куёви Хуррамга йўлни очиб беради.

Хуррам ёки отасининг таъбири билан айтганда Шоҳжаҳон кучли саркарда бўлган. Мустаҳкам продали шахс эгаси бўлгани учун отаси доирасидаги одамлардан кўпчилиги унинг тарафдори эди.

Аграга келганида Ҳинд подшоҳи деб эълон қилинади. Уни Муҳаммад Шаҳобиддин Шоҳжаҳон деб исмлашди. Бу воқеа 1628 йилда содир бўлди.

Пижопур ва Гулканда. Дукканининг жанубида жойлашган бу икки мамлакат ҳамон мустақил эди. Султон Акбар ўз давлатига Барор, Бидор ва Аҳмад Нагарни қўшиб олгандан кейин Аҳмад Нагар Шоҳжаҳон пайтида тўла-тўқис унинг қўлига ўтади. Пижопур илгарчи айтганимиздек хонжаҳон исёнкорларигагина эмас, балки Шоҳжаҳонга қарши чиққан баъзи ҳиндусларга ҳам ёрдам кўрсатганди. Гулканданинг ҳокими шиалик бўлгани сабабли рошидий халифларни ҳақоратлаб, эрон шохининг номини хутбага қўшиб ўқир эди. Шунинг учун Шоҳжаҳон ўша икки мамлакатни бўйсундиришга қарор қилади. Унинг лашкарлари аввал Пижопурни қамал қилишади. Лекин атрофда вабо тарқалиб, Шоҳжаҳон эса қамални бузиб, ўрнига Маҳобатхонни қўйиб ўзи орқага қайтади.

Маҳобатхон вафот қилгач, исёнкор гуруҳлардан бири муғулларга қарши қузғолон кўтаради. Шоҳжаҳон бу исённи шахсан ўзи бостириш учун жангга отланди, чунки ўғли Шужжоь ҳали ёш эди. Бу воқеалар 1637 йилда содир бўлаётган эди.

Шоҳжаҳон Давлатободга ўрнашиб, Пижопур ва Гулканда ҳокимларига мактуб юборади. Биринчисининг ҳокими бўлмиш Одилшоҳдан фитначилар, исёнкорларга ёрдам бермасликни ва уларни мамлакатдан қувишни талаб қилди. Иккинчисидан эса хирож тўлашни, хутбага эроншоҳнинг исми ўрнига унинг исмини қўшиб ўқишни, рошидий халифларни лаънатламасликни, шиа одатларини тўхтатишни талаб қилди. Бу ҳоким Шоҳжаҳон мактубига жавоб ёзди. Лекин Пижопур ҳокими Одилшоҳ жавоб бермади. Шундан кейин султон унинг мамлакатини босиб олади. Исёнкорларни қириб ташлади. Одилшоҳ бўйсунушга ва хирож тўлашга мажбур бўлди. Бу воқеалардан кейин Шоҳжаҳон Аграга қайтди. 1637 йили Дукканнинг ҳамма давлат ишларини ўғли Аврангзебнинг қўлига топширди.

Португаллар. Португаллар савдо-сотиқ ишлари учун турли марказлар қуришни давом эттирардилар. Уларнинг Бенгалда, Калькутта яқинидаги «Хугли»да марказлари бор эди. Султоннинг уларга, инглизларга ва голландларга бўлган хайрихоҳлигидан фойдаланиб, улар Хуглидаги марказларини қалъа қилиб ўрай бошлайдилар, шу билан бирга ҳокимият ишларига ҳам аралаша бошлайдилар. Султон уларга кўзларини каттароқ очиб, эҳтиёт бўлишни насиҳат қилади. Султон амри билан қалъадан қувиб чиқарилишади ва ҳамма савдо имтиёзларидан маҳрум этилишади. Мамлакат улардан тозаланади.

Аммо Афғонистон бобурийлар қўлидан чиқиб, Эроншоҳ қўлига ўтган эди. Бу воқеа Афғонистон ҳокими Али Мардон билан Эроншоҳ ўртасида тушунмовчилик пайдо бўлгунча давом этди. Воқеалар шу билан тугадикки, Али Мардон Шоҳжаҳонга қўшилди. Қандаҳор бир томчи қон тўкилмасдан Ҳиндистонга қайтади.

Кейинчалик Али Мардон Ҳиндистонда меъмorchилик санъати, боғ-роғлар барпо этилишига, каналлар қазиишга жуда катта таъсир кўрсатади. Унинг таъсири шунчалик зўр бўлганки, тарихий манбалар шу кунгача унинг номи оғиздан туширмайди. Асримизнинг ўрталаригача Деҳлидаги каналлардан бири унинг номи билан юритилиб келган.

Лекин Қандаҳор 1638 йилда қўлга кирган бўлса, 1649 йилда яна қўлдан чиқади.

ШОҲЖАҲОН АСРИ

Унинг замонаси ниҳоятда юқори маиший ҳаёт, иқтисодий кўтаринкилик даври бўлиб, Ҳиндистон ўз тарихида бундай бойликларни кўрмаган эди. Бунга сабаб мамлакат хазиналаридаги бойликлар унинг отаси ва аждодлари замонидан йиғилиб келди. Шоҳжаҳон тарих гиганти ҳисобланади. Унинг улканлиги урушлари, галабалари билан эмас, балки буюк санъат обидалари билан белгиланадики, булар шу пайтгача кишини ҳайратга солиб келмоқда.

Бу ўлмас санъат ва меъморчилик обидалари жумласидан Деҳлидаги «Лаъл қалъа», унинг рўпарасидаги масжиди жомеъ, Аградаги «Тоғ маҳал» мақбарасидир. Лаъл қалъанинг деворлари қизил тошлардан терилган. Унинг ичида жуда кўп бўлимлар бўлиб, улар подшоҳга, унинг аёлларига, яқин кишиларига, аскарларига, подшоҳнинг хусусий ва умумий мажлисларига мўлжалланган. Масжид эса қурилиш оламининг туҳфаси ҳисобланади. Унинг номи «Масжидул Луълу», яъни дурдона масжид бўлиб, энг тоза, соф мармардан қурилган. Мазкур қалъа Аграда Акбар қурган лаъл қалъа сингарини Жамна дарёсининг бўйига қурилган. Унинг ташқи кўриниши ҳам Аградагига ўхшайди. Бу қалъа доимо бобурий подшоҳларнинг оромгоҳи бўлган. Инглизлар охириги бобурийлар подшоҳи Баҳодиршоҳни у ердан чиқариб, уни эгаллаб олишган. Инглизлар Ҳиндистондан чиқиб кетмагунларича, бу қалъада бўлишиб, ўзларида кейин кўп бузғунчилик изларини қолдириб кетишган. 1637 йилда Деҳлида Шоҳжаҳон тарафидан қурилган бу ҳашаматли қасрнинг инглизлардан кейин баъзи қисмлари қолган. Лекин шунга қарамай дунёнинг энг гўзал биноларидан ҳисобланади. Ҳинд ҳукумаги кейинчалик бу ерда музей ташкил қилган. Қалъанинг кенг ҳовлисида эса ҳукумат охириги пайтларгача ўзининг баъзи расмий кечаларини ўтказган. Бу кечаларга фақатгина чет элдан келган меҳмонлар таклиф қилинади.

Масжиди жомеъ Ҳиндистонда султон томонидан қурилган энг катта масжид ҳисобланади. Унинг аксарият қисмига том ёпилмаган, вудуъ учун катта ҳовуз қурилган. Масжид ғарбий қисмининг томи бор, ерлари ва деворлари тоза мармар билан безатилган. Унинг беҳисоб устунлари ва деворлари ниҳоятда мураккаб нақшлар

билан безатилганки, бу ишларга қапчалик кўп меҳр ва санъат сарф этилганини гапирмаса ҳам бўлади.

Шоҳжаҳон унинг қурилишига 1660 йилда буйруқ берган ва у 6 йилда қурилган. Иқлим амирлари бу қурилишга тош юбораман деб гал талашнишган. Масжиднинг учта эшиги бўлиб, Шарқий катта эшик қалъа тарафга қараган. Шимолий эшик ва унинг рўпарасида Жанубий эшик. Унга кўп зиналар орқали чиқилади. 1857 йилги инқилоб пайтида инқилобчилар шу ерга тўпланиб олишган, инглизларга қарши хитоблар ўқилган. Шунинг учун инглизлар Деҳлида инқилобчилар устидан галаба қозонишгандан сўнг, масжидни ҳам эгаллашган ва у ерда намоз ўқишни ман этганлар. Бу ишлар 1862 йилгача давом этган.

Тож Маҳал. Таъбир қилиб бўлмайдиган даражада гўзал меъморий ёдгорлик бўлиб, Шоҳжаҳон уни атайини ўзидан кейин дунё мўъжизаси бўлиб қолсин деб қурдирган. Айнан шу бино аслида суюкли хотини Мумтоз Маҳал (Арчаманд бону) ни дафн қилишга мўлжалланган.

Шоҳжаҳон ўзидан кейин қолдирган тарихий ёдгорликлар, умуман Ҳиндистондаги асарларнинг энг юксак, энг ҳашаматлисидир. Бу ёдгорликларга биринчи марта кўз ташлаган киши буларнинг ҳаммаси халқни эзиш, азоблаш, катта солиқлар эвазига бунёд қилинган деб ўйлайди. Лекин аслида бундай эмас. Чунки давлатнинг осойишталиги, маҳкамлиги, фаровонлиқнинг юқорилиги, Шоҳжаҳонга унинг аждодларидан қолган бу беҳисоб бойликлар обидаларни осонлик билан юзага келтиришга имкон берди. Ҳинд тарихчиси Саййид Ҳошимий бу хусусда шундай деб ёзган: «Давлатнинг бюджети Шоҳжаҳон даврида шунчалик баландга кўтарилдики, ундан олдин ҳам, кейин ҳам бунчалик юксак бўлмаган. Ҳаттоки, кўп мамлакатларга ҳукмронлик қилган инглизлар замонида ҳам давлат хазинасида бунчалик бойлик тўпланмаган. Ер солиқларидан 270 миллион рупия тушарди. Қандаҳор ва Кобулдан келадиган маблағлар бу рақамга кирмаган. Бу молу дунё ҳеч қандай зулмсиз қўлга киритилар эдики, ҳатто инглизлар одамларни эзганда ҳам шунча бойлик йнға олишмаган. Халқ Шоҳжаҳон замонида жуда яхши ҳаёт кечирган, шоҳнинг меҳри ва адолатидан баҳраманд бўлган. Инглиз сайёҳларидан бири шундай деган: «Шоҳ қўл остидагиларга нисбатан отаси боласига бўлгандек меҳрибон эди».

Шоҳжаҳон замонидаги халқ фаровонлигига шу нарса ҳам далил бўлиши мумкинки, у бутун қурилишларнинг ҳақини тўлаб бўлганидан кейин, унинг хазинасида

240 миллион рупия тилла бўлган. Бошқача қилиб айтганда, солиқларни ошираверишга эҳтиёж бўлмаган. Тарихчилар Шоҳжаҳонни «омадли» подшоҳ деб аташган. Унинг замонида қишлоқ хўжалиги билан саноат ишлаб чиқариши шунчалик тараққий этганки, европага жуда кўп миқдорда енгил саноат маҳсулотлари чиқарилган.

Шоҳжаҳон ўз руҳи ва имони билан динмо ислом одобини, таълимотларини сақлаб келди. Исломга ҳурмати зўрлигидан илгари киритилган баъзи одатларни, жумладан подшоҳга ҳурмат билдириш юзасидан унинг олдида ер ўпишни йўқ қилди. Ундан олдинги подшоҳлар бу одатга кўникишган эди. Отаси Жаҳонгир унинг олдида ерни ўпмагани учун Ҳиндистон олимларининг подшоҳи — «иккинчи минг йилликнинг боши» бўлмиш мавлоно Аҳмад ас-Сарҳинднийни ҳибсга олган эди. Шоҳжаҳон ана шу ёмон одатни йўқ қилди, олимларга саркаронат бўлди, китоблар битишни қўллаб-қувватларди. Тарихчиларнинг зикр этишига қараганда аллома Абдулҳаким ас-Сийалкути унинг амри билан кўп китоблар битган. Хизмати учун Шоҳжаҳон унга ҳар йили 100 минг рупия маош белгиллаган.

Урду тилини замонасининг расмий тили деб билди ва уни эл орасида тарқатиш учун турли услубларни қўллади.

ШОҲЖАҲОН ҲУКМИНИНГ ОХИРЛАРИДА

Ҳаётининг охирига бориб омади кетади. 1657 йилда касалга чалинадики, бу дард уни давлат ишларидан тортиб қўяди. Унинг тўрт ўғли бўлган: Аврангзеб, Доро Шукуҳ, Мурод ва Шужжоъ. Уларнинг ҳар бири алоҳида вилоятларда ҳукмронлик қиладилар. Касалга чалингандан кейин у ўғли Доро Шукуҳни давлат ишларини юритиш учун ёнига чақиради. У ўғиллар ичида каттаси бўлгани учун отасининг касалини укаларида беркитади. Шужжоъ ва Мурод Доро Шукуҳни оталарининг ўлимида айблашади. Шужжоъ Аграга лашкар тортиб бориб отасининг ўчинчи олмоқчи бўлади. Лекин Аврангзеб уни бу йўлдан тўхтатади ва отасининг тириклигини таъкидлайди. Уч ака-ука Доро Шукуҳни давлат ишларидан четлаштиришга қарор қилишади. Бунга жавобан Шоҳжаҳон ўғилларини осойишталикка чақиради. Лекин Доро бу чақирик билан кифояланмайди. Ўғли Солмонни лашкарга бош қилиб, Шужжоъга қарши жўнатади. Шужжоъ мағлубиятга учраб Бенгалга қочади. Шу пайтнинг ўзида Аврангзеб ўз лашкари билан Дуккандаги Бурҳон-

пурдан Аграга қараб ҳаракат бошлайди. Малвага етганда унга укаси Муродбахш қўшилди. Йўлда Аврангзеб Доро Шукуҳ тарафидан унга қарши юборилган ражпутанлик саркарда Жаванат Сангга мактуб юбориб шундай дейди: «Мен отамни зиёрат қилишга кетаяпман, уруш қилиш учун эмас. Қон тўкмаслик учун ёки менга қўшил, ёки бўлмаса йўлимдан қоч!». Лекин жавоб бўлмагач уларнинг орасида 1657—1067ҳ. ражаб ойида тўқнашув бўлади. Аврангзеб бу жангда ғалаба қозонади. Шундан сўнг Аврангзеб пойтахт Агра томон юришни давом эттиради. Унинг пойтахтга келаётгани ҳақидаги хабар Аграга етиб келиб, одамларнинг юрагига ваҳима тушади. Ҳаттоки отаси Шоҳжаҳон Деҳлига қочмоқчи ҳам бўлади. Лекин урушни тўхтатиш ва ўғилларини яраштириш ниятида Аграда қолади.

Доро ўз кучига, имкониятларига ишонарди. Шунинг учун ҳам сулҳга рози бўлмайди. Уруш, қасос олишга интилди. Доронинг 100 минглик қўшинни Аврангзеб ва Муроднинг 35 минг кишилик лашкарини кутарди. Қўшинлар рамазон ойида Агранинг жануби-шарқидаги, пойтахтдан 30 км узоқ жойда учрашди. Тўплар ҳам жангга кирди. Аврангзеб ва Муроднинг қўшинлари қаттиқ туриб жанг қилишди. Бу жангда омад деган нарса ҳам, тақдир ҳам ўз кучини кўрсатди. Муродга қарши жанг қилаётган лашкарнинг саркардаси ражпутаналик Рама Санг ҳалок бўлади. Қўшинлари эса ваҳимага тушиб чекинади. Ениб турган замбарак ўқи Доро минган филнинг бошига тегиб портлайди. Доро филни ташлаб, отга минади. Буни кўрган қўшинлари уни жангдан қочаяпти деб ўйлашиб, уларнинг ҳам маънавий ҳолатлари бўшашиб кетади. Улар ҳам жанг майдонидан қоча бошлашади. Доро ўз қўшинини Аграгача қувиб келиб етиб олади, лекин бўлган воқеани отасига айтишга уялади. Баъзи қимматбаҳо молу-зийнатларни олиб Деҳлига қочади. Уч кундан кейин ғолиб қўшинлар пойтахт ёнига келиб саф тортишди. Йўл-йўлакай сарой мансабдорлари, амирлар уни ғалаба билан табриклашди, унга ўз тоатларини билдиришди. Шоҳжаҳон ҳам ўйлаб ўтирмаздан ўғлининг қаршисига чиқиб, ҳурмат сифатида жавоҳирлар билан безатилган ҳамда у тарафидан ўғлига берилган лақаб «Оламгир» сўзи битилган қилични тақдим қилди. Лекин Аврангзеб бу билан кифояланмади. Ҳокимият касал отасининг қўлидан яна Доронинг қўлига ўтиб кетишидан қўрқиб, пойтахтга киргандан кейин отасини қалъага қамаб қўйди. Шу аҳволда Шоҳжаҳон саккиз йилча яшади. 1666 йилда вафот этди.

«Омадли» подшоҳ тириклигида ўғилларининг низосига гувоҳ бўлиб, қалби аламларга тўлиб яшади.

Доро енгилганича Деҳлига қараб қочади. Аврангзеб укаси Мурод билан уни таъқиб қилиш, қўлга олиши мумкин эди. Лекин ака-ука ҳокимиятдан маст бўлиб юришади. Уларнинг атрофидаги сарой аҳли қай бирлари ҳокимиятга лойиқроқ деб фисқу-фасод тарқата бошлашди. Албатта Мурод Аврангзебга тенг келолмасди. Лекин кибру-ҳаво одамларни ҳақиқатда ким эканлигини ёддан чиқартирадиган нарса бўлар экан. Аврангзеб бу нарсаларни сизди. Укаси ва унинг ёнидагиларнинг қилаётган ишларидан бохабар бўлди. Бир кун кечаси Мурод қаттиқ маст бўлганида, уни филга ўтказиб, Деҳлидаги Салим қалъасига келтиради. Сўнгра Гулёр қалъасининг «амирлар қамоғи» деб номланган қамоғига солади. Шу билан Муроднинг масаласи ҳал бўлади. 1657 йилда ўзини отасидан кейин Ҳиндистоннинг подшоҳи деб эълон қилади. Шужжоъ ва Лаҳорга қочиб кетган Доронинг масалаларини ҳал қилиш мақсадида тантаналарни орқага суради. Охири марта тахт учун курашга тайёргарчилик кўрила бошланади.

Аврангзеб Дорони аввал Лоҳургача, сўнгра Мултонгача таъқиб қилиб борди. Доро Сандга қочади. Аврангзеб қўшинининг бир қисмини унга қарши юбориб, ўзи эса Деҳлига Шужжоъга қарши отланади.

Банорас ва Илоҳобод ҳокимлари Шужжоъга ёрдам кўрсатишарди, масалан унга ўргатилган фил тақдим қилишади. Бу фил жангга киргач, оғирлиги 120 килограмм (240 ратл, бир ратл 449,28 граммга тенг) келадиган занжирни ҳавода ўйнатиб, гоҳ чапга ва гоҳ ўнгга урадиган ва ёнига ҳеч кимни келтирмайдиган бўлган. Жанг бошланганда маст қилиб қўйилган бу фил қўшинлар сафига анча ғулғула солди. Аврангзеб бу филга олов билан ҳужум қилишни буюради. Устидаги одамларни уриб тушириб ўзини қочишга мажбур қилишади. Шужжоъ қўшинлари мағлубиятга учрайди.

Оз ўтмай Доро ҳам мағлубиятга учрайди. Аврангзеб тахтга ўтириш маросимини байрам қилиш учун ҳаракатга тушади. 1659 йилнинг рамазон ойида одамларни ҳайратга соладиган байрам бўлади. Иш шу билан тугайдики, Аврангзеб Дорони динга қарши чиқишда айблаб, диндорларнинг фатвоси билан қатл этади. Ундан ташқари Доро қонуний ҳокимиятга қарши чиқишда ҳам айбланади. Ҳумоюн мақбарасига дафн этилади.

Абул Музаффар Муҳаййуддин Муҳаммад Аврангзеб шариятни кенг тарқатиш учун курашган, ҳақиқий мусулмон ҳоким сифатида танилган.

Аврангзеб Гажаротнинг шимолидаги «Ду ҳад» шаҳарчасида 1619 йилнинг 15-нчи зул қаъдасида дунёга келган. Унинг онаси Мумтоз Маҳал исми билан машҳур бўлган Арчаманд бону бўлиб, Тож маҳал мақбарасига дафн этилган. Аврангзеб буваси Жаҳонгир замонида туғилди. Йирик олимлар қўлида жуда яхши диний тарбия топдики, илоҳий илмлар соҳасида аллома бўлиб етишди. Давлат ишлари билан шуғулланишига қарамай, суфийлар тарикатини тутди. Умуман шароб ичмаган, мусиқа ва қўшиқ айтиш маҳоратига эга бўлишига қарамай, булардан нарида бўлган. Шахсий ҳаётида тилла ва кумуш буюмларни ишлатмаган. Ҳокимият тепасида неча йил турган бўлса, ҳамма вақт зоҳидларча ҳаёт кечирди. Бобурийлар давлати тарихидаги энг буюк император ҳисобланган.

Оламгир 50 йил давомида ҳукм сурди. Унинг ҳукми урушлардан, қийинчиликлардан холи бўлмади. Аксариyat ҳолларда подшоҳнинг ўзи қўшинга бошчилик қилиб, душманларининг «тарбияси» билан ўзи шахсан шуғулланган. Шу йўл билан давлатига янги ерларни қўшиб олди. Пойтахтда хотиржам ўтириб, ўз ҳукмининг роҳатини кўп ҳам кўрмаган.

Жизъя солиғи. 1672 йилда ислом таълимотига кўра подшоҳ бизъя солиғини қайтадан ҳиндусларга солади. Мусулмонлардан закот олинса, мусулмон бўлмаган халқлардан бизъя олинган. Бундан тушган пуллар давлат хавфсизлигини кучайтиришга, халқнинг бошқа эҳтиёжларига ишлатилар эди. Акбар ўзини диндан узоқлаштирган сиёсатини амалга ошираётган даврларда бу солиқни йўққа чиқарган эди. Албатта ўша пайтларда ҳиндуслар жуда хурсанд бўлишганди, чунки бу солиқни қаҳр ва ғазаб рамзи деб билишарди. Акбардан кейинги юз йилча даврда бу солиқ солинмай келган. Ҳиндусларнинг бу давлатга муносабатини ўзгартирмаслик учун Оламгир ҳам аввалида бу солиқни қайтадан жорий қилмай турган.

Рачпут қўзғолони. Акбар замонидан бери у ва рачпутаналиклар орасида, ва умуман ҳиндуслар билан яхши муносабатлар ўрнатилгани учун, кейинги даврларда — Жаҳонгир ва Шоҳжаҳон замонасида ҳам бу қўрқмас халқ билан ҳеч қандай урушлар бўлмаган. Аксинча,

улар бу давлат қўлида қуролдек бўлиб, мудофаа ишларида хизмат қилиб келганлар. Уларнинг орасидан етакчи саркардалар, ҳокимлар, катта ва кичик хизматчилар етишиб чиқишган. Улардан бири Жаванат Санг Шоҳжаҳон қўшинида хизмат қиларди. Доро Шукуҳ уни Дукканга Аврангзебга қарши юборган. Ушанда бу саркарда мағлубиятга учраб қочган. Аврангзеб Доро Шукуҳнинг устидан ғалаба қозонгандан сўнг, айбидан ўтиб ўз хизматига чақириб олган ва мансабини қайтариб берган, қўшинига бошлиқ қилиб, укаси Шужжоьга қарши жўнатган. Лекин у хиёнат қилиб Шужжоьга қўшилиб кетган эди. У ҳам мағлубиятга учрагач, яна қочиб кетади. Шундан кейин Аврангзеб уни яна кечиради ва ўз мансабига ўтказиб қўяди. Бу гал Рачпутлар қўшинига бош қилиб Кобулга жўнатади. Тўсатдан Кобулдан берухсат унинг қўшини билан қайтиб келганини, Санд амирларининг бири унга эътироз билдиргани учун уни ўлдирганини султон билиб қолади ва ниҳоятда ғазабланади. Унинг Деҳлига келишини кутиб туриб ўзини, оиласини ҳибсга олади. Лекин қайтаётган қўшин унинг бир ўғлини билдирмасдан олиб кетишади. Рана Удипурнинг ёнига келиб, бор гапни унга айтиб беради. Рана ва Рожа Жудипур ар-Ражапутий жизъя солиғини тўлашдан бош тортиб юришган эди. Бундан ташқари подшоҳга қарши чиққанларга ёрдам ҳам беришарди. Оламгир бу фитналарни сезиб, шахсан ўзи Ачмирга борди ва у ердан туриб, уларга жизъяни тезда тўлашни ва қўзғолончиларга ёрдам бермасликни буюрди. Улар кечирим сўрашди ва Жаванат Сангнинг ўғлини ҳимоя қилмасликка ваъда беришди. Подшоҳ бу ишлар билан бир неча ой машғул бўлиб қайтган пайтда, улар янгидан бош кўтаришиб, ўз ваъдаларидан қайтдилар. Подшоҳ тезликда қўшини билан Ачмирга қайтди ва ўғли Муҳаммад Акбарни ҳамда Тоҳирхонни лашкарга бош қилиб, исёнкорларни босиришни буюрди. Шу пайтнинг ўзида Дуккан ва Гажаротга буйруқ бериб, уларни ҳам ҳужумга отлантирди, Рана қочишга мажбур бўлди. Шунда исёнкорлар ҳийла ишлатиб, Султоннинг Муҳаммад Акбар ва Муҳаммад Маъзам исмлик икки ўғлини найранглар билан алдаша бошлашади. Натижада Муҳаммад Акбар отасига хиёнат қилиб, уларга қўшилади. Ўзини подшоҳ деб эълон қилиб, Рачпут қўшинлари билан биргаликда отасига қарши қўшин тортади. Лекин қўшин қўмондонлари Оламгир турган жойга яқинлашганлари сари у тарафга қочиб ўта бошлашади. Биринчи бўлиб Тоҳирхон кетиб қолади. Буни кўрган қўшиннинг ҳам руҳи тушиб, улар ҳам тар-

қалиб кетади. Натижада Муҳаммад Акбар якқаланиб қолади ва 1681 йилда Эронга қочиб кетади. Раҷпут исёни ана шундай қилиб 1679 йилда тугайди. Уғли Маъзамхонга келсак, подшоҳ унинг айбидан ўтиб ўзига яраша мансаб беради.

ПИЖОПУР ВА ГУЛКАНДАНИ ИСТИЛО ЭТИШ

Илгари айтиб ўтганимиздек, жанубда бешта ислом давлати бўлиб, Бобурийлар уларни бирин-кетин эгаллаб, иккитаси мустақиллигини сақлаб қолган эди. Шоҳжаҳон замонида унинг ўғли Аврангзеб уларни хирож тўлашга, жанубда бобурийлар шоҳига қарши чиқувчиларга ёрдам бермасликка мажбур қилганди. Улар эса, ўз навбатида, аҳдларига вафо қилмай, хирож тўлашдан бош тортишган.

Подшоҳ жанубга йўл оларкан, йўл-йўлакай уларнинг икковига хатлар ёзиб, хирож тўлашни буюрди. Уғли Муҳаммад Маъзамни кичкина лашкар билан Пиждопурга жўнатди. Лекин у ғалаба қилолмагани учун Ғозихон бошчилигида қўшимча мадад юборди. Бу қўшинлар Пиждопур қўшинлари билан «Инди» ёнида учрашиб, уларни мағлубиятга учратди. Сўнгра Пиждопур пойтахтига йўл олади ва у ерда қамал бошланади. Қамал чузилгани сабабли Бобурий саркардалари орасига хилоф тушади. Хилофнинг сабаби Маъзамхон пиждопурликлар билан отасига ва ўз саркардаларига қарши сиррий келишув қилади. Буни эшитган Аврангзеб шахсан ўзи урушга бошчилик қилиш учун келади. 1685 йилда Аврангзеб Пиждопур ҳокими Искандаршоҳни таслим қилиб, бу давлатни ҳам ўз мулкига қўшиб олади.

Гулкандага келсак, буларнинг Бобурийларга бўлган адовати пиждопурликларнинг адоватидан ҳам олий бўлган. Юқорида айтганимиздек, Гулканда ҳокимлари ҳаммаси шиалик эдилар. Шоҳжаҳон ўз пайтида уларни мажбур этиб хирож тўлашни, рошидий халифаларни лаънатламасликни, Эроншоҳ исмининг ўрнига унинг исмини хутбага қўшиб ўқишни талаб қилганди. Лекин Гулканда ҳокимлари ўз аҳдларига вафо қилмасдан орқага қадам қўйишганди. Хусусан бу ишда Абул Ҳасан Танашоҳ ташаббус кўрсатганди. Ундан ташқари, катта қўшин тўплаб Аврангзеб Пиждопурни қамал қилганда, Пиждопур ҳимоясига юборганди. Аврангзеб у билан ҳисоб-китоб қилиш учун отланган бир пайтда у ўйин-култига берилиб, ҳамма ҳокимият ишларини вазирининг қўлига топширган эди. Қўл остидаги кўпгина амирларнинг насиҳатларига қарамай у қайсарлигини давом эттирар

эди. Бобурийлар жангда устун келишиб, пойтахт бўлмиш Ҳайдарободга киришади. Гулканда билан Ҳиндистон ерида бобурийлар мулкига кирмаган давлат қолмайди. Фақатгина жанубда кичиккина ҳиндус давлати қолади.

Умуман олганда Аврангзеб ўз умрини жанг майдонларида ўтказган. Шу билан бирга унинг замонасида маданий ҳаёт сооҳасида ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилган.

АВРАНГЗЕБ ВОРИСЛАРИ

Аврангзеб замонаси Бобурийларнинг Ҳиндистонда давлат ҳокимияти соҳасида эришган чўққиси бўлди. Лекин бу ютуқлар осонликча қўлга киритилмади. Бу ютуқларни кейинчалик ушлаб туриш қийин бўлди. Бобурийларнинг йиллар давомида мустаҳкамланган давлат ҳокимияти ўз мувозанатини Аврангзебнинг кетиши билан йўқотди, сўнг аста-секин инқирозга юз тута бошлади. Бу давлатнинг тепасида беркиниб келаётган иллатлар ва жароҳатлар ўзини намоён этди. Бу ерда инглизлар замони куртак ота бошлаган эди. Албатта шундай кучли давлатни қулатиш осонликча амалга оширилиши мумкин эмас эди, чунки бобурийларнинг 200 йилдан ортиқ ҳукмронлиги натижасида мустаҳкам давлат ҳокимияти юзага келганди. Шу сабабли юзага келган низомни емириб, ўрнига инглиз колониал низомини ўрнатиш учун яна 150 йил вақт керак бўлди. Бу емирилиш Аврангзеб вафотидан кейинги даврдан бошланиб, 1857—1274 ҳ. йилда тугади. Қуйида ана шу кейинги давр ҳақида баъзи маълумотларни ўқувчига ҳавола этамиз.

ШОҲИ ОЛАМ БАҲОДИРШОҲ БИРИНЧИ

(1707—1118ҳ. дан 1711—1123ҳ. гача ҳукм сурган)

Аврангзеб ўғли Муҳаммад Маъзам отасига бир неча бор хиёнат қилмоқчи бўлганидан кейин, уни Ҳинднинг шимолига жўнатади, сўнг унга «Баҳодир шоҳ» деб лақаб беради. Албатта, отасининг ўрнига тахт вориси деб эълон қилинади. Аврангзеб солиҳ инсон бўлишига қарамай унга болаларидан буюрмайди. Катта ўғли Муҳаммад Акбар унга хиёнат қилди. Саргардонликдан сўнг Эронга қочиб, дом-дараксиз йўқолди. Бу воқеадан кейин Аврангзеб юрагини жароҳатлагани учун иккинчи ўғлининг хиёнатини кечириб, тахт вориси деб эълон қилади.

Баҳодиршоҳ тахт вориси бўлишига қарамай унинг икки укаси—Муҳаммад Аъзам ва Қомбахш уни эътироф

этиб, ўз мулклари билан унга қўшилишни хоҳламадилар. Тинчлик, осойишталик улар билан олиб борилган жанглардан кейин ўрнатилди.

Авраңгзеб ўз вафотидан олдин Муҳаммад Аъзамни Малва, Гажарот ва Шимолий Дукканга ҳоким қилиб тайинлайди. Иккинчиси — Қомбахшга эса Пиждопур ва Ҳайдарободни топширади. Лекин шарт шундай бўладики, бу иккови тахт ворисига бўйсунishi ва давлатнинг бўлинишига йўл қўймасликлари керак эди. Лекин иккови ҳам шартларни қабул қилишмайди.

Баҳодиршоҳ Шимолий Ҳиндистондалигида отаси Ҳиндистон жанубидаги Аҳмад Нагарда вафот этади. Бундан хабар топгач, пойтахтга шошилиб, ҳокимиятга ўтиради. Шу пайтнинг ўзида Муҳаммад Аъзам ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Баҳодиршоҳ унга хат ёзиб, отаси тахтни унга мерос қилганини баён этади, унга эса Малва, Гажарот ва Шимолий Дукканни мерос бўлганини баён этади. Ундан ташқари, агар буларга рози бўлмасанг, яна у ёқ-бу ёқни қўшиб рози қилай, лекин урушга юз тутмайлик дейди. Муҳаммад Аъзамнинг Баҳодиршоҳга нисбатан адовати кучли бўлгани сабабли шундай жавоб ёзади: «Наҳотки бу аблаҳ (Баҳодиршоҳ) Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байтларини ўқимаган: «бир том остида ўнта фақир ўтириши мумкин, лекин кенг мамлакатга икки подшоҳ сифмайди». Шу гаплар билан шимолга қараб қўшин тортади. Агра жанубидан ўн беш-йигирма чақирим нарида жойлашган Сарой Жожу деган жойда икки қўшин тўқнашиб, кўп қон тўкилади. Муҳаммад Аъзам енгилиб, лашқари тарқалиб кетади. Бу воқеалар 1707 йилнинг июнь ойида рўй беради.

Баҳодиршоҳ пойтахтга қайтгандан кейин укасининг жанубда исён қилмоқчи эканлигини сезиб, унга отасининг васиятларини эслатиб, мактуб ёзади. Бу мактубда зикр этилишича, Қомбахш ҳар йили унга мол юбориши керак эди. Лекин Қомбахш қизиққон бўлгани учун акасининг хатига жавоб бермайди. Баҳодиршоҳ унга қарши юришга мажбур бўлади. Қомбахш ўз атрофидаги одамлар билан ёмон муомалада бўлгани учун, аскарларга маош тўламагани учун, Баҳодиршоҳ юришини эшитиб аскарлар ҳам, аъёнлар ҳам уни ташлаб кетишгани сабабли, унинг ишлари юришмайди. У билан фақатгина тўрт юз аскар қолади. Табиийки, улар мағлубиятга учрашади. Ўзи ва ўғли жароҳатланиб, подшоҳ ҳузурига келтирилади. Подшоҳ уларга меҳрибонлик кўрсатиб, тезликда уларни даволашни буюради. Лекин ота-

бола қайсарлик қилишиб, ҳамма нарсадан бош тортишадди. Жароҳатлар берган асоратлар натижасида ҳалок бўлишди. Бу воқеалар 1708 йилнинг февраль ойида юз беради. Баҳодиршоҳ эса 1711 йилда вафот этади.

ЖАҲОНДОРШОҲ ЕКИ ФАРРУҲ АС-САЙР

Баҳодиршоҳнинг ўғли Азим аш-Шаън ҳарбий ишларида кучли мутахассис эди. Чунки у буваси Аврангзеб қўл остида тарбия олди, кўпгина жангларда шахсан ўзи лашкарбошилиқ қилди. Албатта, агар у давлат тепасидан жой олганда эди, бу иш давлат манфати учун катта ютуқ бўлар эди. Лекин бахтсизлик юз бериб, ўз ака-укалари билан тахт учун бўлган жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Бундан кейин унинг ўғли Жаҳондоршоҳ рақобат қилаётган ҳамма ака-укаларни йўқ қилиб тахтга ўтиради.

Жаҳондоршоҳ ёки Фарруҳ ас-Сайр Биҳорда ҳамма ҳокимларни отаси Азим аш-Шаън атрофига тўплаш билан машғул бўлган бир пайтда кетма-кет бувасининг ва отасининг ўлими ҳақида хабар топади. У дарҳол Азим-обод ҳокими Шариф Ҳусайн ва унинг укаси бўлмиш Илоҳ-обод ҳокими Абдуллоҳ ёрдамида қасос ола бошлайди ва учрашади. Бу ерда Аврангзеб ҳам тахт талашиб юрганида Шужжоъ билан учрашганди. Илгариги учрашувда ҳокимлар Шужжоъ томонида бўлишган бўлса, бу гал унга қарши бўлишди. Ундан ташқари Шужжоъ қўшинларининг сафида бирлик йўқолганди. Шундай қилиб, Жаҳондоршоҳ ҳеч қандай қаршиликсиз пойтахтга юришини давом эттирди. Пойтахт ёнида қўшинлар яна бир бор учрашишди. Шужжоъ жанг майдонида ўрнатилган чодирда у ерга келтирилган ўнлаб хотинлар даврасида кайфу сафога берилиб ўтирган бир пайтда Шариф Абдуллоҳ унинг чодирига ҳужум қилади. Подшоҳ ваҳимага тушиб қочади. Бу хабар тезда қўшин орасида тарқалади ва аросатда қолган бу қўшин мағлубиятга учрайди. 1712—1723 ҳ. да Жаҳондоршоҳ тахтга ўтиради.

Шу пайт Деҳлида исён бўлади. Уни бостириш учун Шариф Абдуллоҳни юборади, унга «Қутбул Малик ас-садиқ ал-вофий» деб лақаб беради. Бунинг маъноси «Подшоҳнинг садоқатли ва вафоли тожи»дир. Шу пайтнинг ўзида уни вазирлар мажлисининг раиси қилиб тайинлайди. Укаси Шариф Ҳусайнга эса амирул умаро номини беради. Ана шу иккала «Шариф» аслида ҳақиқий ҳокимият эгаси эдилар, чунки Фарруҳ ас-

Сайр ўз ғалабалари билан уларга қарздор эди. Шунинг учун бу ака-уканинг бирор бир истагини қайтаришга ботинолмасди.

Табийки, ҳамма ишлар ана шу саййидлар қўлига ўтган. Бунинг натижасида улардан сиқилган подшоҳ ва унинг сарой ходимлари улардан қутулиш йўллари-ни қидира бошлашади. Подшоҳ ҳошиясида Қози Абдуллоҳ (лақаби Мир жумла хони хонон) бор эди. Шоҳ уни саййидлар истагини қондириб Азим-ободга ҳоким қилиб тайинлайди. Шу сингари Қиличхон Баҳодирга «Низомул мулк фатҳи жанг» лақабини бериб, уни Дукканга ҳоким қилиб тайинлайди. Бунинг сабаби шу эдики, бу иккала шахс подшоҳ яқинларидан бўлиб, саййидларни хуш кўришмасди. Ундан ташқари улар подшоҳнинг ишонган одамларидан эдилар. Низомул мулк асримизнинг 1947 йилигача Ҳайдарободда ҳукм сурган ҳукмдорлар сулоласининг боши бўлиб, сулола мамлакат Ҳиндистонга қўшилиши билан тугаган.

Рачпутлар тахтни талашувчилар орасидаги хилофдан фойдаланиб бош кўтаришди. Шариф Ҳусайн лашкарга бошчилик қилиб уларга қарши юради. Мағлубиятга учраган Рожа тоғларга қочиб кетади. Шу пайтда Шариф Ҳусайн укасидан подшоҳ билан хилоф кучайди деган мазмунда хат олади. У ерда ашрофлар подшоҳдан Мир Жумлани қасрдан узоқлаштиришни, Биҳорга ҳоким қилиб тайинлашни, Шариф Ҳусайнни эса Дукканга ҳоким қилишни сўрашади. Подшоҳ бу шартларни қабул қилишдан бошқа илож топмайди. Лекин Тажарот ҳокими Довудхонга сиррий хат юбориб, унда Шариф Ҳусайнни йўлда ушлаб ўлдиришни сўрайди. Лекин бу фитна муваффақиятсиз тугайди. Довудхон ўлдирилади. Шариф Ҳусайн Дуккан ҳокими бўлади. Саййидларни ўзига яқинлаштириб, уларга мансаблар бера бошлайди.

СИҚҲЛАР

Шу вақтларнинг ўзида Сикҳлар шимолда катта қўзғолон кўтаришди. Ўз одатларига кўра масжидларга, мақбараларга ташланадилар. Минглаб мусулмонларни, ҳиндусларни катта-кичигига қарамай ўлдирдилар. Ҳаттоки, ҳомиладор хотинларнинг қоринларини ёриб ташлашган. Қўлларига тушган нарсаларни талон-тарож қилишган. Уйларни бузиб ўт қўйишган. Бу қўзғолон бошида «Банда» турган, илгари уни «Гавбанад Санг» дейишган. У Баҳодиршоҳ замонида қамалдан қочишга муваффақ бўлган эди.

Подшоҳ уларга қарши Абду Самадхон бошчилигида қўшин юборади. 1714 йилда уч мингга яқин исёнчи ўлдирилиб, саккиз юзга яқини «Банда» билан биргалликда асир олинган. Уларни пойтахтга келтиришиб, кўчаларда сазойи қилиниб, кейин қатл қилишган.

Бу вақтга келиб подшоҳ ва саййидлар орасидаги хилоф янада кучайиб кетади. Бунинг натижасида Абдулло акаси Хусайндан тезликда Дуккандан Деҳлига қайтишни сўрайди. Хусайн ҳам ўзи билан бир неча минг Мараҳата қўшинларини олиб қайтади. Подшоҳ бундан ғазабланиб, иккиланиб турганди, халқ саййидларга қарши туриб, Мараҳата қўшинларига ҳужум қилади. Мараҳаталиклар кийимларини, қуроолларини ташлаб қочадилар. Айнан шу лаҳзаларда подшоҳ саййидларга халқи ва қўшини ёрдамида қақшатқич зарба бериши мумкин эди. Лекин у ҳаракат қилмади. Унда теурийларга хос чўрткесарлик йўқ эди. Шундай қилиб, фурсат қўлдан кетади. Саййидлар эса фурсатдан фойдаланиб, уни ҳибсга олишади.

Баҳодиршоҳнинг набираси Рафиуддаражотни қамоқдан олиб келишиб 1719 йилнинг рабнул аввалида тахтга ўтказишади. Бир қанча кундан кейин Фарруҳ ас-Сайф қатл этилади.

Рафиуддаражот ёшлигидан қамоқда бўлгани сабабли суяк касалига дучор бўлганди. Тахтда узоқ ўтирмай, шу йилнинг ражаб ойида вафот этади.

РАФИУДДАВЛА

Унинг ўрнига катта акаси Рафиуддавлани тахтга ўтказишади. Шу пайтда халқ жуда ғазабга келиб турган эди. Натижада улар Аграга ҳужум қилишади. Оламгирнинг набираси Никусирни қамоқдан чиқаришиб Рожа Жисанг ёрдамида тахтга ўтказишади. Бу вақтда подшоҳ Рафиуддавла касал ётганди. Саййидлар ўз қўшинлари билан Аграга шошилишади, ўзлари билан эса касал подшоҳни олиб кетишади. Лекин у уч ойгина подшоҳлик қилиб, йўлда вафот этади.

МУҲАММАДШОҲ

Саййидлар кўришсаки, ҳолат қўлдан кетаяпти. Тезликда Баҳодиршоҳнинг бошқа набираси бўлмиш Равшан Ахтарни топишиб, тахтга номзодларнинг ҳаммасини четлаштириб, уни ўтқазишади ва подшоҳ деб эълон қилиб, номини Абу Музаффар Носириддин Муҳаммад-

шоҳ деб танитадилар. Бу воқеа 1719 йил зул қаъда ойининг 15-нчисида Фатҳпурда рўй беради. Албатта халқ тарафидан тайинланган Никусирни қўлга олишди, кейинроқ Рожа Жи Сангнинг талабига кўра авф этишади. Шундан кейин саййидлар олдидаги ҳамма тўсиқлар очилади. Ҳокимият ишларини ўз хоҳишларига қараб юритишадики, подшоҳ бу ишларга умуман аралашмайди. Лекин сарой аҳлининг кўнгли хотиржам эмасди, чунки у ерда ниҳоятда ақлли ва кучли саркарда Низомул мулк бор эдики, уни йўқ қилмасдан хотиржам бўлиш мумкин эмасди. У сарой-аҳли ва амирларнинг ҳурматини қозонган. Бу воқеалар содир бўлаётган пайтда у пойтахтдан узоқда, Ҳусайн Шариф Дукканни эгаллагандан кейин Малвада ҳукмдорлик қилаётган эди.

САЙЙИДЛАР БИЛАН ЖАНГ

Низомул мулк ёш подшоҳнинг онаси Қудсият бегимдан сирли бир хат олади: «Темурийлар мулки ашрофлар қўлида ўйинчоқ бўлиб қолди. Уни сен қутқаришинг мумкинки, Оллоҳу таолонинг изни ва авни билан. Мулк ашрофлар томонидан ҳаракатга келтирилиб, қонга ботаяпти. Ҳаттоки, овга чиқиш учун ҳам улардан руҳсат олиш керак. Ундан ташқари, улар сени ҳозир чақириб олиб ўлдиришмоқчи, ҳолатини қутқариш учун нимани лозим топсанг шунини қил».

Низомул мулк Малвада бўлгани учун, яъни саййидлар шимолда ва жанубда бўлганлари учун ўртада қолиб кетганди. Шунинг учун биринчи галда жанубга зарба беришни лозим топди. 1720 йилда Дукканнинг эгаси бўлди. Бу хабарлар Аграга етиб келгач, саййидлар тезликда Дукканни қутқаришга шошилишди. Шариф Ҳусайн ёш подшоҳ билан жуда катта қўшинга бошчилик қилиб, жанубга йўл олишди. Йўлда подшоҳ фитна уюштириб душмани Шариф Ҳусайнни йўқ қилди. У билан бирга анчагина саййидларни ҳам қилди. Бу воқеалардан кейин ҳамма қўшинини шимолга, Шариф Абдуллоҳга қарши бурди. Бу хабарларни эшитган Шариф Абдулло подшоҳ оиласига тегишли бўлган бир йиғитни топиб, Носириддин Муҳаммадшоҳ ўрнинга подшоҳ деб эълон қилади. Ниҳоят қўшинлар Деҳли ва Агра ўртасида учрашдилар. Жанг икки кун давом этди. Шариф Абдуллоҳ мағлубиятга учраб, саййидлар ҳукмронлиги тўтади. Подшоҳ уларнинг таъсиридан халос бўлди, нуфузи бутунлай ўзига қайтди. Бу воқеалар 1720 йилнинг сафар ойида бўлиб ўтган.

Албатта, ўша айёмларда подшоҳ давлатнинг ишларини янгилашга йўналтирилган жуда кўп ишларни қилиши мумкин эди. Лекин у ўз ўйин-кулгуси билан овора бўлди. Давлат ишлари ўз йўлида кетаверди. Шу сабабли давлат кунсайин заифлаша борди. Подшоҳ Низомул мулкни Дуккандан чақириб, 1722 йили вазирликни унга топширди. Низомул мулк йиллар давомида синалган киши бўлиб, у давлатга жуда кўп фойда келтириши мумкин эди.

Лекин у тақдим этган таклифларни сарой аҳли қўллаб-қувватламади. Ҳаракатлари фойдасизлигини тушунган Низомул мулк Дукканга қайтади. Уни Дукканга қайтишга баъзи сабаблар мажбур қилган эди: Жанубда сезиларли кучга айланиб қолган Мараҳаталар бош кўтара бошлашди. Дукканлик мусулмонларга қарши чиқишиб, лашкарбоши Муборизхонни Низомул мулк ҳукмининг тахти бўлмиш Аврангободга ҳужум қилишга ундашади. Муборизхон билан бўлган қисқа жангда Низомул мулк ғалаба қозониб, Муборизхон ўлдирилди.

Иккинчи бор подшоҳ Низомул мулкдан ёрдам сўраб 1737 йилда унга мурожаат қилди. Лекин бу ёрдам Ҳиндистонга Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳужум қилганлиги сабабли бир неча ойгина давом этди.

НОДИРШОҲНИНГ ҲИНДИСТОНГА ЮРИШИ

Эрон афғонлар ҳукми остида яна ўз мустақиллигини қўлга киритиб, Нодиршоҳ бошчилигида қўшни бўлмиш Ироқ, Афғонистон ва бошқа давлатларга юриш бошлади. Аввал у Қандаҳор ва Кобулни ўз мулкига қўшиб олди. Сўнгра Ҳиндистон шимолига юриб, Лоҳур ва Панжобни қўлга киритади. Бу воқеалардан хабар топган Низомул мулк олдида Нодиршоҳ билан сулҳ тузишидан бошқа чора қолмади. Бу сулҳ шартига кўра Нодиршоҳга йигирма миллион рупия тўланиши керак эди. Лекин Нодиршоҳ ҳийла ишлатиб, Мухаммад шоҳни қўлга олади ва ғолиб бўлиб Деҳлига киради. Ўз номини хутбага қўшиб ўқишни талаб қилади. У мамлакатнинг бутун бойлигини олиб ўзидан кейин хароба ва минглаб ўликларни ташлаб кетди. Унинг юриши натижасидаги қўзғолонларни бостириш пайтида 100 мингдан ортиқ одам ўлдирилди. Ундан кейин давлатнинг қолдиқларини ўзаро низо қилувчи Сикҳлар, Ма-

раҳатлар ва бошқа мустақиллик тарафдорлари ейиша бошлашди. Оз вақт ўтмасдан Ҳиндистонга Аҳмадшоҳ Афғони ҳужум қилди.

АҲМАДШОҲ АЛ-АБДОЛИЙ

Ёки Аҳмадшоҳ ад-Дурроний ал-Абдолий ал-Афғоний. У Ҳиндистонга шимолдан ҳужум қилиб Лоҳурни эгаллади. Унга қарши Муҳаммадшоҳ ўз ўғли Аҳмад бошчилигида қўшин юборди. Қўшинлар Сарҳинд ёнида учрашди. Бобурийлар Абдолийларга қаттиқ зарба беришди. Абдолий қўшинлари 1748 йилда яна Кобулга қайтади. Подшоҳнинг ўғли Аҳмад душманни қувиб, мамлакатни улардан тозалаб турганда отасининг касали ҳақида хабар келади. Шунда у Деҳлига шошилади. Абдолийлар бу фурсатдан фойдаланиб, қайтадан Лоҳурни эгаллашади. Шу йили — 1748 йилда Муҳаммадшоҳ вафот этади ва тахтга ўғли Аҳмад ўтиради.

Унга отасидан касал мамлакат мерос қолади. У фисқу-фасод ичида бир неча йил ҳукмронлик қилади. Лекин унинг ҳукми ниҳоятда ачинарли тугайди. Лашкарбошилардан бири уни ушлаб олиб кўзларини ўйиб олади ва ўрнига «Оламгир икки» ни ўтказишади. Бу воқеалар 1754 йилда содир бўлади. Бу лашкарбошининг номи Ғозиддин бўлиб, Низомул мулк Осифжоҳнинг набираси эди. Тахт вориси ўзгарганда Ғозиддин Панжобда вазирлик лавозимида эди. Афғонлар Лоҳурда ҳукмронлик қилишарди. Ғозиддин уларга қарши юриб Лоҳурни улардан халос этади. Аҳмадшоҳ ал-Абдолий бунни эшитгач, Афғонистондан Ҳиндга лашкар тортиб келади. Ғозиддин бўйсунингга мажбур бўлади. Уни кечириб, Аҳмадшоҳ Деҳлига юради. Деҳли ҳамон вайрона ва харобаларга фарқ эди. Нодиршоҳдан кейин сақланиб қолган ҳаёт аломатлари ҳам йўқ қилинади. Сўнгра Аграга қўшин тортади. Лекин қамал давомида вабо тарқалади. У ерларни ташлаб 1757 йилда яна Афғонистонга қайтади. Унинг қайтишидан олдин Оламгир икки салтанатини исёнкорлардан ҳимоя қилиш учун ёрдам сўрайди. Аҳмадшоҳ Оламгирга озгина қўшин ташлаб кетади. Бу қўшинларга Нажибуддавла қўмондонлик қилади.

Булар Деҳлида ўзаро урушлар оловида фарқ бўлишиб туришганда, англизлар шарқда—Бенгалда Сирожуддавла билан жанг қилишиб, уни мағлубиятга учратишиб, Бенгални тула-тўқис ўзларига бўйсундиришади.

Ал-Абдолий Афғонистонга қайтганда Нажибуддавлани ўзига вазир қилиб тайинлаб кетади. Лекин Ғозиддин эса ҳамон бўйсуниниши ўйлагиси келмасди. Шу сабабли Нажибуддавлага ва подшоҳга қарши ҳар хил фитналар уюштиради. Ўзининг мақсадига етишиш учун мараҳаталиклар ёрдамига мурожаат ҳам қилади. Улар билан биргаликда Деҳлига ҳужум қилиб, уни эгаллайди. Нажибуддавлага билан Оламгир икки Машриққа қочишади. Шундай қилиб, Ҳиндистоннинг аксарият қисмлари Мараҳаталар ҳукми остига ўтади. Аҳмадшоҳ ал-Абдолий лашкар тўплаб, Ҳиндга иккинчи бор юришга тайёргарлик кўради. Шу орада Ғозиддин Оламгирни топиб, уни сотқинликда айблаб, қатл этади. Айни шу 1759 йилда унинг ўрнига тахтга Қомбахшининг ўғлини ўтказди. Лекин у тахтга ўтиришга улгурмайди. Аҳмадшоҳ Ҳинднинг шимолига етиб келиб Лоҳурни эгаллайди. У ердан Мараҳаталикларни қувиб Саҳоранпурга яқинлашади. Ваҳимага тушган Ғозиддин Деҳлини ташлаб қочади.

ПАНИПАТ ЖАНГИ

Ал-Абдолий Деҳлида тўхтамади, сабаби мараҳаталиклар у ерни харобага айлантириб, ўзлари Жамна ва Ганга дарёлари ўртасидаги Дуоб мамлакатига ўрнашиб олишганди.

Бунга қадар Мараҳата ва Абдолийлар орасида бир неча тўқнашувлар бўлиб, жангларда минглаб одамлар қирилиб кетганди. Бу воқеалар 1760 йилларда содир бўлганди. Аҳмадшоҳнинг юриши ҳақидаги хабар жанубга — Мараҳаталар бошлиғига етиб келгач, у ниҳоятда ҳаяжонланиб, ғазабга келади. У Ҳиндистонда Мараҳаталар ҳукми ўрнатилиб бўлди, энди уларга ҳеч ким бас келолмайди, бутун ишларнинг жилови улар қўлига ўтган, мусулмонлар ҳукмронлиги таг-туғи билан йўқ бўлди, деб ўйлаганди.

Бў келаётган янги хатар унга Маҳмуд ал-Ғазнавийни, Муҳаммад ал-Ғурийни ва ундан бошқа кучли те-мурийларни эслатди. Абдолийнинг қайтиши яна мусулмонлар ҳукмронлигини, ислом давлатини янгилашин мумкин эди. Бунинг натижасида Ҳиндистонда янгидан улар салтанати ўрнатилади эди.

Шунинг учун у бутун ҳиндусларни ҳам бу янги юришга қарши кўтаришга қарор қилди. Натижада уч юз мингга яқин лашкар тўплайди. Бу қўшинда кучли тўплар ҳам бор эди. Бу тўпларга Иброҳимхон исмли

киши бошчилик қилардики, у бу илмни французлардан ўрганган эди. Замбараклар бўлинмасида ўн икки минг одам ва икки юз тўп бор эди. Бу буюк қўшин бошида мараҳаталик «Баҳо» исмлиқ машҳур Сада Шаюку турарди. Ана шу даҳшатга солувчи қўшин Абдолийга қарши юради. Аҳмадшоҳнинг қўшинида бор-йўғи қирқ минг аскар ва қирқ дона тўп бор эди. Мараҳаталиклар Панипатга етиб келишади. 1761 йилнинг январида қўшинлар тўқнашади. Аввалида мараҳаталиклар замбараклари Абдолий қўшинларини ўққа тутади. Абдолий чекинади ва тўсатдан замбарак ўқи мисоли, жуда яхши ҳарбий қисмлар шаклида Мараҳатага қўққисдан ҳужум қилади. Эсанкираган мараҳаталиклар икки юз мингга яқин талафот кўриб мағлубиятга учрашади.

ШОҲИ ОЛАМ ИККИ (ОЛАМГИР 2)

Деҳли бир қанча пайт подшоҳсиз қолиб кетди. Абдолий ғалаба қозонгандан кейин Оламгир иккинчи Деҳлида султон қилиб тайинлайди. Илгари у Бенгалда эди. Шоҳ ўрнига эса ўз ўғли Жувонбахтни ҳоким қилиб тайинлайди. Деҳлида ўзига ўринбосарлар тайинлаб, Афғонистонга қайтади.

Давлат жисми касал эди. Агар Абдолий Ҳиндда қолиб, ҳамма душманларни йўқ қилиб, давлат ишларини ўз қўлига олганда, балки тарих тараққиёти ўзгача бўлармиди?! Лекин Оллоҳнинг иродаси — у 1773 йилда вафот этади.

Шоҳи олам бир неча йил Деҳлидан йироқда яшайди. Унинг мулки одамлар қўлида ўйинчоқ бўлиб, Мараҳаталар яна жонлашиб лашкар йиғишади ва Деҳлини эгаллашади. Шоҳи олам яна у ерга қайтиб, салтанатга эғалиқ қила бошлайди. Подшоҳ мараҳаталар шоҳи Мадхафарав томонидан салтанатга қайтарилгани эвазига уни бутун қўшинлар қўмондони қилиб тайинлайди ва уларнинг кафолатида қолади.

Шоҳи олам мусулмон амирлари билан келишган ҳолда Бенгални инглизлардан тортиб олмоқни хоҳлаб қолади. Бўлиб ўтган жанглар унга ғалаба келтирмайди. Натижада Бенгалда, Аврисада, Баҳорда улар ҳукми сақланиб қолади, лекин икки миллион олти юз минг рупия ҳирож тўлашадиган бўлишади.

Бу воқеалардан кейин Оламгир ўз лашкарбошиларидан бўлмиш Фулом Қодирхон билан келишмай қолади. Фулом Қодирхоннинг Деҳлига таъсири бўлиб, унинг масалалари Қодирхон қўлида эди. У подшоҳнинг

кўзини ўйиб олади. Шу билан унинг ҳокимияти туғайди.

Шахс сифатида Оламгирнинг ҳеч қандай таъсири йўқ эди. Бундан кейин инглизлар ўртага тушиб, уни ўз ҳимояларига олишади ва ойига тўқсон минг рупия маош белгилашади. Эвазига эса давлат идорасини ўз қўлларига олишади. Бу воқеалар 1804—1219 ҳ. да содир бўлади. Шоҳи Олам бундан кейин узоқ яшамай 1806 йили вафот этади.

МУҲАММАД АКБАР АС-СОНИЙ (ИККИ)

Ундан кейин тахтга унинг ўғли Муҳаммад Акбар II келади. Отаси сингари инглизлар кафолати остида яшайди. Бу вақтларга келиб инглизлар таъсири ва ҳукмронлиги тахминан бутун Ҳиндистонга ёйилади. У тахтда узоқ ўтиради. 1837 йилда вафот этади.

БАҲОДИРШОҲ

Унинг вафотидан кейин тахт унинг ўғли Сирожиддин Абу Зафар Баҳодиршоҳга ўтади. Инглизлар унга йилга бир миллион икки юз минг рупия миқдоридан маош белгилашади. У мисли бир соя эди. Давлат ишларини эса бошқалар юритарди. Ҳаттоки, ўзи яшаётган Деҳлидаги қизил қалъада ҳам ишлари яхши эмасди.

Уша пайтдаги англиз ҳокими Баҳодиршоҳга огоҳнома юбориб, унда қалъада яшаётган охириги подшоҳсан деб хабар беради. Бу эса Бобурийлар мулкининг ниҳояга еганини билдирарди. Албатта, бу хабар халқ қулоғига етади. Айниқса, мусулмон аҳли учун буни эшитиш жуда оғир бўлган. Унинг заифлигидан қатъий назар халқ унга ўз ҳукмронига қарагандек қарарди. Қўзғолон кўтарилиб, халқ Баҳодиршоҳни ўзига раҳнамо қилиб тайинлайди. Исён бостирилгандан сўнг инглизлар Баҳодиршоҳни оиласи билан Бирмадаги Рангунга жўнатиб юборишади. Шундай қилиб, охириги мусулмон ҳукмдори, охириги Бобурий ва Темурий ўша ерда вафотига қадар яшайди. Бу воқеалар 1857 йилда содир бўлади.

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	3
	ҲУМОЮНШОҲ	4
	Шершоҳ халифалари	8
	Ҳумоюннинг қайтиши	9
	Жалолиддин Акбар	11
	Панжоб ва Кобул	14
	Ўгли Салимнинг инқилоби	16
	Акбарнинг давлат сиёсати	17
	Акбарнинг дин соҳасидаги сиёсати	18
	Жаҳонгир (1605—1014 х. дан 1627—1037 х. гача ҳукм сур-	18
ган)		21
	Шоҳжҳон	27
	Шоҳжаҳон асри	29
	Шоҳжаҳон ҳукмининг охирларида	34
	Авраңгзеб — оламгир	36
	Пиҷопур ва Гулқандани истило этиш	37
	Авраңгзеб ворислари	37
	Шоҳи Олам Баҳодиршоҳ биринчи (1707—1118 х. дан 1711—	37
	1123 х. гача ҳукм сурган)	39
	Жаҳондоршоҳ ёки Фарруҳ ас-Сайр	40
	Сикхлар	41
	Рафиуддавла	41
	Муҳаммадшоҳ	42
	Саййидлар билан жанг	43
	Низомул мулк	43
	Нодиршоҳнинг Ҳиндистонга юриши	44
	Аҳмадшоҳ ал-Абдолӣ	45
	Панипат жанги	46
	Шоҳи Олам иккинчи (Оламгир 2)	46
	Муҳаммад Акбар ас-Соний (Икки)	48
	Баҳодиршоҳ	48

1-875